

Ш.Д.Саидбоев
Ш.Ж.Мамажонов

СОЛИҚ ТАФАККУРИ

ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган муҳандислик-технология институти

Ш.Д.Саидбоев

Ш.Ж.Мамажонов

Солиқ тафаккури

ҚЎЛЛАНМА

“Наврўз” нашриёти

2021-йил

UDK 57(042+10)8

КБК:72.10

М:80

Ш.Д.Саидбоев, Ш.Ж.Мамажонов. Солиқ тафаккури. Қўлланма.

Тошкент.: Наврўз нашриёти 2021 йил.

Маълумки, солиқ қонунчилигига кўра мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, қолаверса даромад манбаига ҳамда тасарруфида мол-мулкка эга бўлган жисмоний шахслар муайян турдаги солиқ тўловчилар ҳисобланади. Бу эса улардан солиқларни қайси муддатларда ва миқдорда тўлашига оид билимларни талаб этади.

Қўлланмада солиққа оид масалалар тўплами, тестлар, солиқ атамаларига оид тушунчалар, 2016-2017 йиллардаги барча солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг солиштирма кўрсаткичлари келтирилган.

Тақризчилар: Қ.Юлдашев – доцент, иқтисод фанлари номзоди.

У.Турсунов - доцент, иқтисод фанлари номзоди.

ISBN 978-9943-3816-1-2

“Наврўз” нашриёти

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
Масалалар тўплами.....	..
Тестлар.....	..
Солиқ атамалари.....	..
Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг асосий ставкалари тўғрисида таққослама жадвали.....	
Савол-жавоблар.....	..
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	..

Кириш

Мамлакат иқтисодиётини тубдан ислоҳ этиш, таркибий ўзгаришларни жадал амалга ошириш, экспорт талабига жавоб бера оладиган маҳсулотлар кўламини кўпайтириб бориш бугунги куннинг энг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Сабаби дунёнинг кўплаб мамлакатларида хом ашёларнинг нархини тушиб кетаётгани товар бозорларида рақобат курашининг ўта жиддий тус олаётгани, иқтисодий пасайишга ҳамоҳанг тарзда ишсизликни ортаётгани ҳамда бюджет маблағларини мунтазам камайиб бораётгани айрим давлат раҳбарларини тахликага солиб қўймоқда.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш мамлакатда олиб борилаётган пул, кредит, банклар ва солиқ сиёсати билан узвий боғлиқдир. Пул, кредит, банк ва солиқ тизими мамлакат иқтисодиётини молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини маблағ билан таъминловчи ҳамда мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарасини белгилаб берадиган инфратазилма ҳисобланади.

Мамлакатимиз пул, кредит, банк ва солиқ тизими фаолиятига доимий эътиборини қаратиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ...солиққа тортиш базасини кенгайтириш бўйича амалий чоратадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобидан ... барча туманларини субвенциядан чиқаришни сўзсиз таъминлаш керак¹” деб таъкидлайдилар.

Республикамизда кейинги йилларда миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларидан ундириладиган солиқларнинг юқини камайитириш борасида изчил ҳаракатлар қилинди. Лекин солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларда талайгина саволлар туғилиши табиий. Булар амалиётчи ва назариётчилардан солиққа оид билим малака ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб боришини талаб қилади.

Рисола бухгалтерлар, олий ўқув юртининг бакалавр ва магистрлари учун шунингдек замонавий солиққа оид муносабатларини ўзлаштиришни ўзининг олдига мақсад қилиб олган китобхонлар оммасига мўлжалланган.

¹ . Мирзиёев Ш. М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. Тошкент, “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 16 январь.

1– Мисол

Фойда солиғи тўловчи юридик шахснинг солиқ солинадиган фойдаси 650 000 сўм бўлган.

Ҳисобот даври учун қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- ҳокимиятга хомийлик ёрдами кўрсатилган – 48 000 сўм;
- қариялар уйига ёрдам кўрсатиш учун – 24 000 сўм

Корхона томонидан ёш оилалар тоифасига кирувчи ходими олган ипотека кредитлари бадалларини тўлашга йўналтирилган маблағ- 48 000 сўм. Ҳисобот даври учун корхона тўлаши лозим бўлган даромад солиғи неча сўмга тенг? (Фойда солиғи ставкаси – 7,5 %)

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 159-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан:

- ҳокимият органларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, хомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 2 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 159-моддаси 1- қисми 5-бандига асосан:

- ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда белгиланган.

Демак:

$$650\,000 * 2 / 100 = 13\,000 \text{ сўм}$$

$$48\,000 - 13\,000 = 35\,000 \text{ сўм}$$

$$650\,000 - 13\,000 = 637\,000 \text{ сўм}$$

$$637\,000 + 35\,000 = 672\,000 \text{ сўм}$$

$$672\,000 * 2 / 100 = 13,4\,000 \text{ сўм}$$

$$24000 - 13440 = 10\,560 \text{ сўм}$$

$$672\,000 + 10\,560 = 682\,560 \text{ сўм}$$

$$682\,560 * 10 / 100 = 68\,256 \text{ сўм}$$

$$682\,560 - 48\,000 = 634\,560 \text{ сўм}$$

$$634\,560 * 7,5 / 100 = 47\,592 \text{ сўм}$$

Ечиш: Ҳисобот даври учун корхона тўлаши лозим бўлган даромад солиғи - 47592 сўмни ташкил этади.

2-Мисол

Қуйидаги маълумотлар асосида фойда солиғини ҳисобланг:

Сотишдан олинган соф тушум – 319 200 сўм, шундан,

- экспорт фаолиятидан – 67 000 сўм,

- солиқ тўлангунга қадар олинган фойда – 50 800 сўм,

- олинган дивидендлар – 7 500 сўм,

- солиқ бўйича имтиёзлар – 10 000 сўм,

- солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатлар – 31 200 сўм

Ечиш:

Ҳисобот даври учун тўланиши лозим бўлган фойда солиғини топин?
(Фойда солиғи ставкаси – 7,5 %)

Республикамиз солиқ қонунчилигига мувофиқ юридик шахсларнинг эркин алмаштириладиган валютадаги экспортига имтиёзли ставкалар белгиланган. Унга кўра ишлаб чиқарилган маҳсулотининг 30 % идан ортиғи экспортга чиқарилса, 50 % даромад солиғидан ва агарда 30 % гача экспортга чиқарилса, у ҳолда 30 % даромад солиғидан озод қилинади. Демак, имтиёзли ставкаларнинг қайси бирини қўллашни аниқлаш учун экспорт маҳсулотнинг умумий сотиш ҳажмидаги салмоғи аниқланади, яъни,

$$(67000 / 319200) * 100 = 20,9 \%$$

Ушбу мисолда экспорт маҳсулотининг умумий сотишдаги салмоғи 20,9 фоизни ташкил этади. Бундай ҳолда белгиланган фойда солиғи ставкаси

30 фоизга камаяди, яъни: $7,5 \times 30 / 100 = 2,25$ га, демак, корхона фойда солиғини 5,25 % ($7,5 - 2,25$) тўлайди.

$$50800 + 31200 - 7500 - 10000 = 64500 \text{ сўм}$$

$$64500 \times 5,25 / 100 = 3386,25 \text{ сўм}$$

Ечиш:

Ҳисобот даври учун корхона тўлаши лозим бўлган даромад солиғи - 3386,25 сўмни ташкил этади.

3-Мисол

Корхона доимий муассаса сифатида рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини амалга оширмоқда. 2016 йил якунлари бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд, яъни, ялпи даромад - 985 минг сўм, шундан 245 минг сўми доимий муассаса билан боғлиқ, жами харажат эса - 498 минг сўм, шундан 165 минг сўми доимий муассаса билан боғлиқ харажатлар.

Ҳисобот даври учун тўланиши лозим бўлган фойда солиғини топинг? (Фойда солиғи ставкаси -7,5 %)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 154-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган юридик шахс - Ўзбекистон Республикаси норезидентининг солиқ солинадиган фойдасини аниқлашда фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсади учун солиқ солинадиган фойда суммаси ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган харажатлар суммасининг 10 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Солиқ солинадиган база доимий муассаса билан боғлиқ даромадлардан ушбу муассаса билан боғлиқ харажатлар чегирмаси сифатида аниқланади, яъни,

$$245000 - 102000 = 143000 \text{ сўм}$$

$$143000 \times 7,5 / 100 = 10725 \text{ сўм}$$

Ечиш: Бу ерда бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммаси 10725 сўмни ташкил этади.

4-Мисол

Қуйидаги маълумотларга асосан фойда солиғини ҳисобланг (маълумотлар сўм ҳисобида келтирилган).

- маҳсулот (иш, хизматлар) сотишдан тушган тушум – 5 380 000 сўм
- қўшилган қиймат солиғи – 788 000 сўм
- акциз солиғи – 550 000 сўм
- сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари – 2 895 000 сўм
- сотиш харажатлари – 37 000 сўм
- маъмурий харажатлар – 87 000 сўм
- асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад – 38 000 сўм
- олинган дивидендлар – 65 000 сўм
- валюта курси бўйича мусбат фарқ - 31000 сўм
- молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар – 17 000 сўм
- фавқулодда фойда – 6 000 сўм
- харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1-илова харажатлари - 317 000 сўм
- солиқ имтиёзи – 114 000 сўм

Ҳисобот даври учун тўланиши лозим бўлган фойда солиғини топиинг?
(Фойда солиғи ставкаси – 7,5 %)

Ечиш:

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг объекти “Маҳсулот (иш, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ аниқланиб, унга мувофиқ солиқ объектини аниқлаш қуйидаги тартибда олиб борилади:

$$5380 - (788 + 550) = 4042 \text{ сўм}$$

$$4042 - 2895 = 1147 \text{ сўм}$$

$$1147 - (37 + 87) + 38 = 1061 \text{ сўм}$$

$$1061 + (65 + 31) - 17 = 1140 \text{ сўм}$$

$$1140 + 6 = 1146 \text{ сўм}$$

Низомнинг 1-илова харажатлари ва 2-илова харажатларининг фарқи

тикланади, яъни бизнинг мисолимизда,

$$1146 + 317 = 1463 \text{ сўм}$$

Ушбу суммадан акциялар ва қимматли қоғозлардан дивидендлар (фоизлар) тўлов манбаида солиққа тортилганлиги боис чегирилади, яъни,
 $1463 - 65 = 1398 \text{ сўм.}$

Бундан солиқ бўйича имтиёзлар чегирилади, яъни, $1398 - 114 = 1284 \text{ сўм.}$

2016 йил учун фойда солиғи ставкаси 7,5 фоизлигини ҳисобга олган ҳолда солиқ суммаси

$$\Phi_c = 1284 * 7,5 / 100 = 963 \text{ 000 сўм ташкил этади.}$$

Ечиш: Ҳисобот даври учун корхона тўлаши лозим даромад солиғи - 963000 сўм ташкил этади.

5 - Мисол

Қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиқлари тўловчиси ҳисобланган ишлаб чиқарувчи корхона 2016 йил ҳисобот даври учун қуйидаги кўрсаткичларга эга, яъни,

- ички бозорда маҳсулотни сотишдан тушган тушум – 14800 минг сўм,
- чет эл валютасига сотилган маҳсулот 10 минг АҚШ доллари миқдорида (юк ортилган вақтда 1 АҚШ доллари – 3140 сўмни ташкил этган),
- омборхоналарни ижарага беришдан олинган соф даромад – 2800 минг сўм,
- ускуналарни ўз вақтида олиб келиб ўрнатилмагани учун сотувчи корхонадан тушган жарима ва шартномада кўрсатилган қўшимча тўлов – 988 минг сўм,
- ёрдамчи корхонадан олинган дивидендлар (дивиденддан ундирилган солиқ ҳақидаги маълумот мавжуд) – 1439 минг сўм;
- “Ишонч” фирмаси томонидан ходимлар бўлимига тегишли 1761 минг сўмлик компьютер дастури яратилган ва текинга ўрнатиб берилган.

2015 йилда қонунчиликка асосан чегирмага олиб борилган 3210 минг сўмлик сотилган маҳсулотнинг пули келиб тушган.

Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари – 12475 000 сўм, шу жумладан, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий воситаларнинг эскириши белгиланган меъёрга нисбатан 2 коэффициент қўлланилган бўлиб, 2400 000 сўмни ташкил этган.

Ўтган давр учун қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

- меъёр чегарасида ўзининг маҳсулотини реклама қилиш учун – 128 000 сўм сарфланган;
- бошқарувда ишловчилар учун иш ҳақи бўйича харажатлар – 4485 000 сўм;
- хизмат сафари харажатлари, меъёрдагиси – 395 000 сўм, меъёрдан юқори – 85 000 сўм;
- хизмат автомобили сақлаш учун харажатлар – 165 000 сўм;
- уяли телефон – 1250 000 сўм;
- ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган асосий воситаларнинг эскириши – 885 000 сўм;
- ҳисобот даврида ҳисобварақлар бўйича олинган қўшилган қиймат солиғи – 945 000 сўм.

Аниқлансин: ҳисобот даврида давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган фойда солиғи суммасини (2016 йил учун солиқ ставкаси - 7,5 %). Масалани ечиш даврида мол-мулк солиғи, ер солиғи ҳамда бошқа солиқлар ва мажбурий тўловларга аҳамият бермасликка рухсат этилади.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 129-моддасига асосан жами даромадга қуйидагилар киради:

- товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар;
- бошқа даромадлар.

Солиқ тўловчининг қиймати чет эл валютасида ифодаланган даромадлари миллий валютада олинган даромадлар билан жамланган ҳолда,

бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 132-моддасига асосан, бошқа даромадларга, агар Солиқ кодекси 130-моддасининг бешинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинadиган даромадлар киради, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Солиқ кодексининг 134-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинadиган даромадлар;

- Солиқ кодексининг 135-моддасига мувофиқ текин олинган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар;

- ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пена, шунингдек қонуний қучга кирган суд ҳужжати асосида қарздор томонидан тўланиши лозим жарималар ва пенялар;

- дивидендлар ва фойизлар;

- товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинadиган бошқа даромадлар.

$$14800 + (10 * 3140) = 46\,200\,000 \text{ сўм}$$

$$2800 + 1439 + 988 + 1761 = 6\,988\,000 \text{ сўм}$$

$$46200 - 6988 = 39\,212\,000 \text{ сўм}$$

$$39212 - 12475 - 2400 = 24\,337\,000 \text{ сўм}$$

Солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳаражатлар $128 + 4485 + 395 + 945 = 5953000$ сўмни, солиқ солинадиган базадан

чегирилмайдиган ҳаражатлар эса $85 + 885 + 165 + 1250 = 2385\ 000$ сўмни ташкил этади.

$24337 - 5953 = 18384\ 000$ сўм

$18384 + 2385 = 20769\ 000$ сўм

Фойда солиғи $20769\ 000 * (7,5\%) = 1557\ 6000$ сўмдан иборат.

Ечиш: Ҳисобот даврида давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган фойда солиғи миқдори $15\ 577\ 000$ сўмни ташкил этади.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғига оид мисоллар

Ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара ҳақи тариқасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади.

Ер участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

1-Мисол

“Мингбулоқ” ҳиссадорлик жамиятининг ер солиғи суммаси $850\ 000$ сўмни ташкил этади. Солиқнинг йиғими даражаси $97\ \%$, келгуси йил индексацияси $1,5\ \%$ ни ташкил этади. Корхонанинг 2015 йилда кутилаётган солиқ суммасини ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 279-моддасига асосан ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўловчидир.

$$850\,000 \times 1,5 = 1\,275\,000 \text{ сўм}$$

$$1\,275\,000 \times 97 / 100 = 1\,236\,750 \text{ сўм}$$

Жавоб: Мингбулоқ ҳиссадорлик жамияти 2015 йилда 1 236 750 сўм ер солиғи тўлайди.

2-Мисол

Тошкент шаҳрининг 8-зонасида жойлашган ишлаб чиқариш корхонасига шаҳар ҳокими қарори бўйича ажратилган ер майдони 5,5 га ни ташкил этади. Корхонанинг ҳисобот йилида тўлаши лозим бўлган ер солиғи суммасини ҳисобланг ва тўлаш муддатларини белгиланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги ПҚ-2099-сонли Қарорига асосан Тошкент шаҳрида ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари 14 та зонага ажратилган ҳолда белгиланган. Шунга мувофиқ 2016 йил 8 зона учун ҳар бири га учун 15 230 403 сўм миқдорида белгиланган.

Ернинг майдони ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб солиқ суммасини ҳисоблаймиз:

$$5,5 \times 15\,230\,403 = 83\,767\,216 \text{ сўм}$$

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 286-моддасига биноан ер солиғини тўлаш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади, яъни,

1 чорак учун - 15 февралгача – 20 941 804 сўм;

2 чорак учун - 15 майгача – 20 941 804 сўм

3 чорак учун - 15 августгача – 20 941 804 сўм;

4 чорак учун - 15 ноябргача – 20 941 804 сўм.

Жавоб: Корхонанинг ҳисобот йилида тўлаши лозим бўлган ер солиғи суммаси 83 767 216 ва ҳар чорак учун 20 941 804 сўмни ташкил этади.

3-Мисол

Зарафшон шаҳрининг 3 зонасида жойлашган корхонага шаҳар ҳокими қарори бўйича ажратилган ер майдони 3,75 га, ҳақиқий фойдаланишдаги ер майдони эса 4,5 га эканлиги аниқланди. Корхонанинг ҳисобот йилида тўлаши лозим бўлган ер солиғи суммасини ҳисоблаймиз.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 22-декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарори тасдиқланган. Шунга кўра шаҳар жойларида ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари 4 та зонага ажратилган ҳолда белгиланган. Шунга мувофиқ 2015 йил Зарафшон шаҳрининг 3 зонаси учун ҳар гектар ер учун солиқ 716 405 сўм миқдорида белгиланган.

1. Фойдаланишдаги ер майдони ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб солиқни ҳисоблаймиз:

а) ҳоким қарори бўйича ажратилган ер майдони учун:

$$3,75 \times 716\,405 = 2\,686\,518 \text{ сўм};$$

б) ҳоким қарори бўйича ажратилган ер майдонидан ортиқ фойдаланишдаги ер учун 2 коэффициентда тўланиши белгиланган:

$$E_c = 0,75 \times 716\,405 = 537\,303,8 \text{ сўм}$$

$$E_c = 537\,303,8 \times 2 = 1\,074\,608 \text{ сўм}$$

Жами: $1\,074\,608 + 2\,686\,518 = 3\,761\,126$ сўмни ташкил этади.

Жавоб: Корхона ҳисобот даври бўйича тўлаши керак бўлган ер солиғи 3 761 126 сўмни ташкил этади.

4-Мисол

Фуқаро Сафарова Шахзода 2015 йил 10 январда Наманган вилояти Наманган туманидан 6 сотих ер участкасини уй-жой қуриш учун сотиб олди. 2016 йил учун фуқаро Сафарова Шахзода қанча ер солиғи тўлаши керак?

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 289-моддасига биноан жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкаларининг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база ушбу ер участкаларини берган ташкилотлар бошқарув органларининг маълумотлари бўйича аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22-декабрдаги ПҚ-2455 сонли қарорида 2016 йил ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаси 1,15 баробарга индексация қилинди ва Наманган тумани учун ер солиғи ставкаси 1 сотихи учун 9 000 сўм этиб белгиланди.

Ушбу маълумотга асосан ер солиғини ҳисоблаймиз:

$$E_c = 6 \times 9\,000 = 54\,000 \text{ сўм}$$

$$E_c = 54\,000 \times 1,15 = 62\,100 \text{ сўм}$$

Жавоб: Фуқаро Сафарова Шахзода 2016 йил учун 62 100 сўм ер солиғи тўлайди.

5-Мисол

Фуқаро Рўзиев Акбар Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида яшайди. Унинг ер участкаси 15 сотихни ташкил этади. Фуқаро Рўзиев Акбар ер участкаси учун қанча миқдорда ер солиғини тўлаши лозим. Ер солиғи суммасини ҳисобланг?

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 293-моддасига биноан ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси

жисмоний шахсларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Йил мобайнида ер участкаси майдони ўзгарганда ва имтиёزلарга ҳуқуқлар вужудга келганида (бекор қилинганда) давлат солиқ хизмати органлари мазкур ўзгаришлардан кейин бир ой ичида ер солиғини қайта ҳисоб-китоб қилишлари ҳамда солиқ тўловчига ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22-декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорига асосан Наманган вилояти Учқўрғон тумани учун ер солиғи суммаси 1 сотих ер учун 8400 сўм этиб белгиланган.

Ушбу маълумотга асосан ер солиғини ҳисоблаймиз:

$$1) 10 \times 8400 = 84\,000 \text{ сўм}$$

$$2) 1,15 \times 84000 = 96\,600 \text{ сўм}$$

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22-декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорига асосан белгиланган меъёрлардан юқори ер участкалари учун ер солиғи ҳисоблаш базавий ставкаларга 10 сотихдан юқори ерларга 1,5 кўпайтирувчи коэффициент қўлланилади.

$$8400 \times 1,5 = 12\,600 \text{ сўм}$$

$$12\,600 \times 5 = 63\,000 \text{ сўм}$$

$$63\,000 + 96\,600 = 159\,600 \text{ сўм}$$

Жавоб: Ушбу фуқаро ер солиғи учун белгиланган меъёрлар бўйича 159 600 сўм ер солиғи тўлайди

Юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ва ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар мавзусига оид мисоллар

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сон қарори

билан тасдиқланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари асосида ҳисоблаб чиқилади.

1 - Мисол

Нефт қазиб олувчи корхона ҳисобот даврида 1600 тонна нефт қазиб олган. Корхона қайта ишлаш учун 1600 минг сўмга (ҚҚС ва акциз солиғисиз) реализация қилган. Корхонанинг ҳисобот даврида тўлаши лозим бўлган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини аниқланг?

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 245-моддаси 2-хатбошига асосан ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот бўйича алоҳида, пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда) натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли қарорига асосан нефт маҳсулотларини қайта ишлашдан олинган ҳақиқатда сотилиш қийматидан 20,0 % миқдорида тўланиши белгиланган.

Нефт маҳсулотларининг қайта ишлашдан олинган маҳсулотнинг ҳақиқатда сотилиш қиймати ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисоблаймиз:

$$1600 \times 20 \% = 320\,000 \text{ сўм}$$

Жавоб: Нефт қазиб олувчи корхона 1 600 000 сўмлик нефт қазиб олгани учун 320 000 сўм миқдорда пул тўлайди.

2-Мисол

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9-январдаги йил якунлари бўйича Сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ ставкаларининг янги таҳрири берилган.

Саноат корхонаси ҳисобот даврида жами 60000 куб. метр сув ресурсларидан фойдаланган бўлиб, шундан 35 фоизи ер ости манбаларидан, қолган қисми эса ер усти манбаларидан олинган. Корхона тўлаши лозим бўлган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республика Солиқ кодексининг 259-моддасига биноан, фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ солинадиган базадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли қарорига асосан, саноат корхоналари учун ушбу солиқ ставкалари ер усти манбаларидан олинган сув учун бир куб метрга 85,4 сўм, ер ости манбаларидан фойдаланилган сув учун бир куб метрга 108,5 сўм этиб белгиланган.

Корхона 21000 куб метр ($60000 \times 35\%$) ер ости сувларидан, 39000 куб метр ($60000 - 21000$) ер усти сувларидан фойдаланган.

Солиқ суммаси: $1000 \times 108,5 = 2\,278\,500$ сўм.

$39000 \times 85,4 = 3\,330\,600$ сўмни ташкил этади.

$3\,330\,600 + 2\,278\,500 = 5\,609\,100$ сўм жами тўланадиган солиқ суммасини ташкил этади.

Жавоб: Саноат корхонаси ер усти ва ер ости сувларидан фойдалангани учун тўлайдиган солиқ суммаси 60000 куб метр учун 5 609 100 сўмни ташкил этади.

3 - Мисол

Электростанция ҳисобот даврида 450000 куб.метр ер усти сув ресурсларидан, 50000 куб.метр ер ости сув ресурсларидан фойдаланган.

Корхона тўлаши лозим бўлган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 259-моддасига биноан, фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ солинадиган базадан ҳисобланади. Шунга кўра,

$$450000 \times 24,7 \text{ сўм} = 11\,115\,000 \text{ сўм}$$

$$50\,000 \times 36,7 \text{ сўм} = 1\,835\,000 \text{ сўм}$$

$$\text{Жами: } 11\,115\,000 + 1\,835\,000 = 12\,950\,000 \text{ сўм.}$$

Жавоб: Электростанция 450 000 куб метр ер усти ва 50 000 куб метр ер ости ресурсларидан фойдалангани учун жами 12 950 000 сўм миқдорида солиқ тўлайди.

4-Мисол

Корхона асосий воситаларининг 1 январ ҳолати бўйича қиймати 1100 минг сўмни ташкил этиб, апрел ойининг биринчи ўн кунлигида яна 250 минг сўмлик асосий восита кирим қилинган. Асосий воситаларнинг эскириш қиймати 1 январ ҳолатига 100 минг сўмни, 1 феврал ҳолатига 125 минг сўмни 1 март ҳолатига 150 минг сўмни, 1 апрел ҳолатига эса 250 минг сўмни ташкил этади. Ушбу маълумотларга асосан корхона томонидан тўланадиган мол-мулк солиғини ҳисобланг (1-чорак учун).

Ечиш:

Ўзбекистон Республика Солиқ кодексининг 268-моддасига биноан солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охирги кундаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб боровчи якун билан аниқланади.

Корхона асосий воситаларининг 1- чоракдаги ўртача қолдиқ қийматини топишимиз лозим, яъни,

$$\text{ҚҚ 1янв.} = 1100\,000 - 100 = 1000000 \text{ сўм;}$$

ҚҚ 1фев. = 1100 000 –125 = 975000 сўм;

ҚҚ 1март = 1100 000 – 150 = 950000 сўм;

ҚҚ 1апр. = 1350 000 –250 = 1100000 сўм.

(бу ерда, ҚҚ - асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати).

$$\ddot{Y}_{\text{ҚҚ}} = (1\text{янв.} + 1\text{фев.} + \dots + 1\text{март} + 1\text{апр.}) / 12$$

$$\ddot{Y}_{\text{ҚҚ}} = (1\,000\,000 + 975\,000 + 950\,000 + 1\,100\,000) / 12 = 335\,400 \text{ сўм.}$$

$$M_c = \ddot{Y}_{\text{ҚҚ}} \times CC / 100$$

Бу ерда: $\ddot{Y}_{\text{ҚҚ}}$ – ўртача қолдиқ қиймат

CC – солиқ ставкаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 27 декабрдаги ПҚ-2699 сонли қарорига асосан юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаси 4 % эканлигини ҳисобга олиб,

$$M_c = (335\,400 \times 5\%) / 100 = 16\,770 \text{ сўм.}$$

Жавоб: Корхона 1-чорак учун жами асосий воситага тўлаши лозим бўлган солиқ 16 770 сўмни ташкил этади.

5-Мисол

2016 йил 1 январ ҳолатига мол-мулк солиғи тўловчи корхонада асосий восита ва номоддий активлари бўлмаган. 13 январда корхона 670 минг сўмга компьютер, 25 мартда эса 290 минг сўмга принтер сотиб олган.

2016 йил биринчи чорак учун мол-мулк солиғини ҳисобланг?

Ўзбекистон Республика Солиқ кодексининг 268-моддасига биноан, солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охириги кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини)

қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб боровчи якун билан аниқланади.

Ўзбекистон Республика Солиқ кодексининг 267-моддасига асосан, асосий воситалар бўйича - асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Ечиш:

13 январдан мол-мулк солиғини тўловчи юридик шахс учун:

Чорак учун солиқни ҳисоблаб чиқаришга мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати		1 январ		1 апрел
		-----	+	-----
		2		2
	=	----- -----		
		12		

$$\ddot{y}_k = (670\,000 : 2 + 290\,000 : 2) / 12 = 40\,000 \text{ сўм}$$

$$M_c = 40\,000 * 4\% = 1\,600 \text{ сўм.}$$

Жавоб: 2016 йил учун мол мулк солиғи 1 600 сўмни ташкил қилади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш мавзусига оид мисоллар ечиш.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йилдаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли қарорига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғи учун ўтган йилги солиқ ставкаси сақлаб қолинган.

Хужжатга кўра, 2017 йилда қўшилган қиймат солиғи 20 фоизлик миқдорда сақлаб қолинган.

1 – Мисол

“Само” компанияси мол етказиб берувчилардан 500000 сўмлик материал қабул қилиб олди. Унинг қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 202-моддаси 1-қисмига асосан товарларни (ишларни, хизмат)ларни реализация қилиш оборотларига, агар уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлса, қўшилган қиймат солиғи солинади.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$СҚҚС = С_{тоб} * СС / 100$$

Бу ерда: СҚҚС – истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

С_{тоб} - солиққа тортиладиган айланма;

СС – ҚҚС ставкаси.

2017 йилда Ўзбекистондаги қўшилган қиймат солиғи 20 фоизли миқдорда эканлигини ҳисобга олиб,

$$СҚҚС = (500000 * 20 \%) / 100 \% = 100000 \text{ сўм.}$$

Жавоб: “Само” компаниясига мол етказиб берувчилардан 500000 сўмлик материал учун 100000 сўм ҚҚС ҳисобланди.

2 – Мисол

“Само” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 500000 сўмлик товар

(иш, хизмат)лар ҚҚСни ўз ичига олган нархлар ва таърифлар бўйича сотилди. Товар (иш, хизмат)ларга ҚҚСни ҳисобланг.

Ечиш:

Товар (иш, хизмат) лар ҚҚСни ўз ичига олган нархлар ва таърифлар бўйича сотилганида солиқ қуйидаги формула бўйича топилади:

$$\text{ҚҚС} = T_k * CC / (CC + 100)$$

Бу ерда: T_k – ҚҚС ҳам ҳисобга олинган товар (иш, хизмат)лар қиймати.

2017 йилда Ўзбекистондаги қўшилган қиймат солиғи 20 фоизлик миқдорда эканлигини ҳисобга олиб:

$$\text{ҚҚС} = (500000 * 20\%) / (100\% + 20\%) = 83333(33) \text{ сўм.}$$

Жавоб: “Само” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 500000 сўмлик товар (иш, хизмат)лар ҚҚС ни ўз ичига олган нархлар ва таърифлар бўйича сотилганда 83333(33) сўм ҚҚС ҳисобланади.

3 – Мисол

“Ниҳол” кичик корхонаси “8 – март Халқаро хотин-қизлар байрами” муносабати билан корхона аёлларига совға қилиш учун ҚҚС тўловчисидан қиймати 120000 сўмлик сервис харид қилди, шу жумладан, ҚҚС 20000 сўмни ташкил этган, ҚҚС ни ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 199-моддаси 1- банди 3 - қисмига мувофиқ мол – мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол – мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), мол – мулкни реализация қилиш обороти деб эътироф этилади ва унга ҚҚС солинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 204-моддаси 2-бандига асосан товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, солиқ тўловчига ўз эҳтиёжлари учун Солиқ кодекси 199-моддаси биринчи қисмининг 7- бандига мувофиқ товарлар берилганда (ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда), шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиқиб белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 219-моддаси 5 ва 6 - бандига мувофиқ текинга олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича, бундан олувчи томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича Кодекснинг 218 – моддаси биринчи қисмининг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган тартибда ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС тўланган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ Кодексининг 147-моддасига мувофиқ 177 – моддасига асосан, солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлари ҳисобланадиган солиқ тўловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатларга киради.

Солиқ кодексининг 177-моддаси 2 - бандига асосан, солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб текинга, шу жумладан ҳады шартномаси асосида берилган мол - мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати, 171-моддаси 2- қисмига мувофиқ, бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар ҳисобланади.

Шунга кўра, юридик шахсининг харид қилган ва жисмоний шахсга берган хадялар билан боғлиқ харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади, бунда харид қилишда тўланган ҚҚС суммаси ҳисобга олинмайди.

Шу муносабат билан солиқ солинадиган база реализация қилиш қиймати билан ҚҚС суммасини ўз ичига олувчи баланс қиймати ўртасида ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Бунда агар корхона қиймати 120000 сўмлик сервисни ҳадя қилиш учун уни ҚҚС билан харид қилган бўлиб, шу қиймат бўйича баланс ҳисобидан чиқарган бўлса, ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база қуйидаги тартибда аниқланади:

$$120000 - 120000 = 0 \text{ сўм}$$

Жавоб: мазкур ҳолатда солиқ солинадиган база мавжуд эмаслиги муносабати билан ҚҚС ҳисобланмайди.

4 - Мисол

1) ҚҚС тўловчиси ҳисобланган корхона дам олиш уйига қиймати 1000000 сўмлик йўлланмалар сотиб олди ва уларни ходимларига 1300000 сўмга реализация қилди, ҚҚС ни ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 199-моддасига асосан мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш мол-мулкни реализация қилиш обороти ва унга ҚҚС солинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 204-моддасида белгиланганидек:

Кодекснинг 200-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, реализация қилишда солиқ солинмайдиган оборотлар ҳисобланувчи чипталар, абонементлар,

йўлланмалар (жойсиз даволаниш учун берилган хужжатлар) ва хизматлар олишга ҳуқуқ берувчи бошқа хужжатлар мазкур хизматларни кўрсатмайдиган юридик шахслар томонидан ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ҚҚС суммасини ўз ичига оладиган, ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база қуйидагича аниқланади:

$$1300000 - 1000000 = 300000 \text{ сўм.}$$

Товар (иш, хизмат)лар ҚҚСни ўз ичига олган нархлар ва таърифлар бўйича сотилгани учун:

$$\boxed{СҚҚС = Т_{\text{к}} * СС / (СС + 100)}$$

$$СҚҚС = (300000 * 20 \%) / (100 \% + 20 \%) = 50000 \text{ сўм.}$$

Жавоб: ҚҚС суммаси 50000 сўмни ташкил этади.
--

2) Корхона дам олиш уйига қиймати 1000000 сўмлик йўлланмалар сотиб олди ва уларни ходимларига сотиб олиш нархининг 30 фоизлик қиймати бўйича 300000 сўмга реализация қилди. Сотиб олиш нархининг 70 фоизи ёки 700000 сўми корхонанинг касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан копланди. ҚҚС суммасини ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддасига мувофиқ санаториялар, шифохоналар, профилакториялар, курортлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва зоналари, болалар дам олиш оромгоҳлари ҳамда бошқа дам олиш ташкилотлари томонидан уларнинг асосий фаолияти доирасида кўрсатиладиган хизматлар, улар юридик шахс ёки юридик шахсларнинг таркибий бўлинмалари томонидан кўрсатилишидан катъий назар, ҚҚСдан озод этилади.

ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база қуйидаги миқдорда белгиланади:

$$1000000 - 1000000 = 0 \text{ сўм.}$$

ҚҚС суммаси ушбу ҳолатда 0 сўмни ташкил этади.

Жавоб: Корхона томонидан сотиб олинган 1000000 сўмлик йўлланмаларга ҚҚС суммаси 0 сўмни ташкил этади.

5 – Мисол

Импортчи томонидан Корея Республикасида ишлаб чиқарилган телевизор харид қилиниб, уни Ўзбекистон Республикасига олиб кирилди. Импортчи олиб кириладиган товар қиймати 1000000 сўмни ташкил этди. Божхона расмийлаштируви чоғида божхона божи, акциз солиғи, ҚҚС суммаси ҳамда Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товар қийматини аниқланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 201–моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар солиқ солинадиган импортдир, Кодекснинг 211-моддасига мувофиқ ҚҚС дан озод қилинган товарлар бундан мустасно.

Солиқ кодексининг 204 – моддаси 5 ва 6 – қисмига мувофиқ, импорт қилинган товарлар реализация қилинганда солиқ солинадиган база реализация қилинадиганда товарларнинг ҚҚС киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қиймати паст бўлиши мумкин эмас.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 206-моддасига биноан товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган базага товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилишда тўланиши лозим бўлган акциз солиғининг, божхона божларининг суммалари киради.

$1000000 + 1000000 = 2000000$ сўм божхона тўловларини тўлаш учун ҳисоб - китобли божхона қиймати,

$2000000 * 30 \% = 600000$ сўм божхона божи.

$2000000 * 20 \% = 400000$ сўм акциз солиғи.

$(2000000 + 600000 + 400000) * 20 / 100 = 600000$ сўм ҚҚС суммаси.

$2000000 * 20 \% = 400000$ сўм ҳисобга киритиладиган ҚҚС суммаси.

ҚҚС суммаси – ҳисобга киритиладиган солиқ суммаси, яъни,

$600000 - 400000 = 200000$ сўм импорт қилинган товарнинг харид қийматига киритилади, яъни,

$1000000 + 1000000 + 600000 + 400000 + 200000 = 3200000$ сўм

Жавоб: Ўзбекистон Республикасига импорт қилиб киритиладиган 1000000 сўмлик телевизор, божхона расмийлаштируви чоғида божхона божи, акциз солиғи, ҚҚС суммаси тўлангандан сўнг, Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган телевизорнинг умумий қиймати 3200000 сўмни ташкил этди.

6 – Мисол

Компания Хитой Халқ Республикасидан ускуна харид қилди ва уни Ўзбекистонга олиб кирди. Ушбу ускуна уч йилдан ортиқ муддат ишлади. Компания жойлашган жойи ўзгарганлиги муносабати билан ускунани янги

жойга кўчириб ўтиши лозим. Буни амалга ошириш учун ускунани эски жойдан демонтаж қилиб (қисмларга ажратиб), янги жойга ўрнатиш ва созлаш лозим. Бу ишларни фақат Хитойдаги ҳамкор томонидан амалга оширилиши мумкин. Шу муносабат билан Хитойлик ҳамкорлар билан ускунани демонтаж, монтаж қилиш ва созлаш учун компания томонидан контракт тузилди. Контрактга мувофиқ, ускуна демонтаж, монтаж қилиш ва созлаш бўйича хизматлар қиймати 250,0 минг АҚШ долларини ташкил этади. ҚҚС суммасини аниқланг.

Ечиш:

Усқунани демонтаж, монтаж қилиш ва созлаш учун норезидент компания билан тузилган контрактлар бўйича икки солиқ тури – норезидентнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган фойда солиғи ва норезидентдан олинган ишлар (хизмат)ларга солинадиган ҚҚС бўйича солиқ оқибатлари юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 207 - моддаси 1-қисмига асосан, Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тақдим этилган ишлар, хизматлар, агар уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса Кодексга мувофиқ уларга ҚҚС солиниши керак. Ишлар (хизматлар)ни олувчи Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчисининг солиқ солинадиган оборотидир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 202 - моддаси 2- бандига мувофиқ, ишлар (хизматлар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулки билан боғлиқ бўлса, бундай ишлар, хизматларга монтаж қилиш созлаш, йиғиш, қайта ишлаш, ишлов бериш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишлар киради.

Ушбу ускуна Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашганлигини ҳисобга олган ҳолда компания Хитойлик компания бажарган ишлар бўйича ҚҚСни 20 % лик ставка бўйича ҳисоблашиши ва тўлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 197-моддаси 2-бандига асосан Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун ҚҚС тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда Хитойлик компания эмас, балки айнан Ўзбекистон Республикасида жойлашган корхона ҚҚС тўловчиси бўлади. Шу муносабат билан корхона маблағлари ҳисобидан ҳисоблаб ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 349-моддасида Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) бўйича ҚҚС тўлаш мажбурияти ягона солиқ тўловчиларида сақланиб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, агар корхона ягона солиқ тўловчиси бўлса, Хитойлик компания бажарган ишлар бўйича ҚҚСни тўлаш мажбурияти сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 207-моддаси 2- қисмида ишлар, хизматларни олувчида солиқ солинадиган база ушбу модданинг 1- қисмида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланиши лозим. Белгиланган суммадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромад бўйича тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқ суммаси чегириб ташланмаган ҳолда белгиланади.

Олинган ишлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш чет эл валютасида амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган оборот амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади .

2017 йил 1 апрел ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1 АҚШ доллари курси 3623,07 сўмни ташкил этади.

Контрактга мувофиқ, ускунани демонтаж, монтаж қилиш ва созлаш бўйича хизматлар қиймати 250,0 минг АҚШ долларини ташкил этса, 1 АҚШ доллари курси оборот амалга оширилган санада 3623,07 сўмни ташкил этади.

ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база:

$250,0 \text{ минг АҚШ доллари} * 3623,07 \text{ сўм} = 906,0 \text{ млн. сўм.}$

ҚҚС суммаси: $906,0 * 20 \% = 181,2 \text{ млн.сўмни ташкил этади.}$

Мазкур ҳолатда даромаддан олинадиган солиқларнинг икки ёқлама қўлланишининг олдини олиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Хитой Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган битим фақат фойда солиғига тегишли бўлиб, ҚҚСга нисбатан қўлланилмайди.

Ечиш: Компанияга Хитой Халқ Республикасидан келтирилган ускунани Хитойлик ҳамкорлар билан янги жойга демонтаж, монтаж қилиш ва созлаш учун компания томонидан 181,2 млн сўм ҚҚС тўлайди.

7-Мисол

“Водий” ҚК нинг қўшилган қиймат солиғи ҳисоб - китоби (сўм ҳисобида).

	Сатр коди	Сумма
Кўрсаткичлар		
Ҳисобот даврида ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси	010	15000000
Аввалги солиқ даврида экспортга реализация қилинган товарлар бўйича тушум жорий солиқ даврига келиб тушиши муносабати билан ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси	020	5000000
Ҳисобга олинадиган жами ҚҚС суммаси (010 + 020 сатр)	030	20000000

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўйича ҚҚС суммаси	040	3000000
Бюджетга тўланадиган (камайтириладиган) ҚҚС суммаси (040 – 030 сатр)	050	

Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини ҳисобланг.

Ечиш:

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “Водий” қўшма корхонасида ҳисобот даврида ҳисобга олинadиган ҚҚС суммаси – 20000000 сўмни ташкил этган бўлса, товарларни реализация қилиш обороти бўйича ҚҚС суммаси – 3000000 сўмни ташкил этмоқда.

Бюджетга тўланадиган сумма: $3000000 - 20000000 = - 17000000$ сўм.

Демак, корхонага бюджетдан 17000000 сўм ортиқча тўланган ҚҚС қайтарилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 227–моддасига мувофиқ, нол даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот ҳисобидан ҳосил бўлган ҚҚС нинг ортиқча суммаси давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг солиқни қайтариб бериш тўғрисидаги ёзма аризасини олган пайдан эътиборан 30 кун ичида солиқ тўловчига қайтарилади.

ҚҚСни қайтариш қуйидаги кетма – кетликда амалга оширилади:

- Солиқ кодексининг 207 – моддасига мувофиқ тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси қопланади;
- солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича мавжуд қарзи қопланади;
- Солиқ кодексининг 228 - моддасига мувофиқ солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилади.

Жавоб: “Водий” ҚҚ дан ҳисобот даврида ҳисобланган ҚҚС суммасидан келиб чиққан ҳолда бюджетга тўланадиган солиқ суммаси 17000000 сўм ортиқча тўланган бўлиб, ортиқча суммаси давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг солиқни қайтариб бериш тўғрисидаги ёзма аризасини олган пайтдан эътиборан 30 кун ичида солиқ тўловчига қайтарилиши лозим.

Қўшилган қиймат солиғига оид мисоллар

1-Мисол

„Ўз Артел” компанияси мол етказиб берувчидан 10000000 сўмлик материал қабул қилиб олди. Унинг қўшилган қиймат солиғини ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 202-моддаси 1-қисмига кўра товарларни(иш,хизмат)ларни реализация қилиш оборотларига, агар улрни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикиси бўлса, қўшилган қиймат солиғи солинади.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула буйича топилади:

$$\boxed{СҚҚС = Стоб \times СС / 100}$$

Бу ерда: СҚҚС - истемолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

Стоб - солиққа тортиладиган айланма;

2017 йилда Ўзбекистондаги қўшилган қиймат солиғи 20 фоизли миқдорда эканлигини ҳисобга олиб:

$$СҚҚС = (10000000 * 20) / 100 = 2000000 \text{ сўм.}$$

Жавоб: „ЎзАртел” компанияси мол етказиб берувчилардан 10000000 сўмлик материал учун 2000000 сўм миқдорида ҚҚС ҳисобланди.

2 – Мисол

„ЎЗ Артел” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 6000000 сўмлик товар (иш, хизмат) лар ҚҚСни ўз ичига олинган нархлар ва таърифлар бўйича сотилди, товарларга ҚҚСни ҳисобланг.

Ечиш:

Товар (иш, хизмат)лар ҚҚСни ўз ичига олган нархлар ва таърифлар бўйича сотилганда солиқ қуйидаги формула бўйича топилади:

$$СҚҚС = Т_{\text{к}} * СС / (СС + 100)$$

Бу ерда: $T_{\text{к}}$ - ҚҚС ҳам ҳисобга олинган товар (иш, хизмат)лар қиймати
2017 йилда Ўзбекистонда қўшилган қиймт солиғи 20 фоизлигини ҳисобга олиб,

$$СҚҚС = (6000000 * 20) / (100 + 20) = 1000000 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Жавоб: “ЎЗ Артел” компанияси томонидн ишлаб чиқарилган 6000000 сўмлик товар (иш, хизмат)лар ҚҚСни ўз ичига олган нархлар ва таърифлар бўйича сотилганда 1000000 сўм ҚҚС ҳисобланади.

3- Мисол

Импортчи томонидан Корея Республикасида ишлаб чиқарилган кир ювиш машинаси сотиб олиниб, уни Ўзбекистон Республикасига олиб кирилди. Импортчи олиб олиб кираётган товар қиймти 1000000 сўм. Божхона расмийлаштируви чоғида божхона божи, акциз солиғи, ҚҚС суммаси ва Ўзбекистон Республикасига импорт қилинаётган товар қийматини аниқланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 201- моддасига асосан,

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар солиқ солинадиган импортдир, кодекснинг 211-моддаси мувофиқ ҚҚСдан озод қилинган товарлар бундан мустасно ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 204-моддаси 5-6-қисмида кўрсатилганидек, импорт қилинган товарлар реализация қилинганда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг ҚҚС киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 206-моддасида товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган базага товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилишда тўланилиши лозим бўлган акциз солиғининг, божхона божларининг суммалари киритилиши белгилаб қўйилган.

$1000000 + 1000000 = 2000000$ сўм божхона тўловларини тўлаш учун ҳисоб-китоби божхона қиймати қуйидагича:

$$2000000 * 30 / 100 = 600000 \text{ сўм божхона божи,}$$

$$2000000 * 20 / 100 = 400000 \text{ сўм акциз солиғи,}$$

$$(2000000 + 600000 + 400000) * 20 / 100 = 600000 \text{ сўм ҚҚС суммаси.}$$

$$2000000 * 20 / 100 = 400000 \text{ сўм ҳисобга киритиладиган ҚҚС суммаси.}$$

ҚҚС суммаси - ҳисобга киритилдиган солиқ суммаси, яъни,

$600000 - 400000 = 200000$ сўм импорт қилинадиган товарларнинг харид қийматига киритилади.

$$1000000 + 1000000 + 600000 + 400000 + 200000 = 3200000 \text{ сўм.}$$

Жавоб: Ўзбекистон Республикасига импорт қилиб киритилаётган 1000000 сўмлик кир ювиш машинаси божхона расмийлаштируви чоғида божхона божи, акциз солиғи, ҚҚС суммаси тўлангандан сўнг, Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган телевизорнинг умумий қиймати 3200000 сўмни ташкил этди.

4 - Мисол

ҚҚС тўловчиси ҳисобланган корхона концерт учун қиймати 2000000 сўмлик билетлар сотиб олди ва уларни ходимларига 2900000 сўмга реализация қилди, ҚҚСни ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 199-моддасида кўрсатилганидек, мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш мол-мулкни реализация қилиш обороти ва унга ҚҚС солинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 204-моддасида кўрсатилганидек кодекснинг 200-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, реализация қилишда солиқ солинмайдиган оборотлар ҳисобланувчи чипталар, абонементлар, йулланмалар (жойсиз даволаниш учун берилган хужжатлар) ва хизматлар олишга ҳуқуқ берувчи бошқа хужжатлар мазкур хизматларни кўрсатмайдиган юридик шахслар томонидан ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ҚҚС суммасин ўз ичига оладиган, ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Ечиш:

ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база қуйидагича аниқланади:

$$2900000 - 2000000 = 900000 \text{ сўм.}$$

Товар (иш, хизмат)лар ҚҚС ни ўз ичига олган нархлар ва таърифлар буйича сотилгани учун:

$$\boxed{\text{СҚҚС} = T_{\text{қ}} * \text{СС} / (\text{СС} + 100)}$$

$$\text{СҚҚС} = (900000 * 20) / (100 + 20) = 150000 \text{ сўм.}$$

Жавоб: ҚҚС суммаси 150 000 сўмни ташкил этди.

5 - Мисол

Агар асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисоботда ҚҚС ҳисобга олиниб акс эттирилишича 120 000 сўмни, эскириш 50 000 сўмни, қолдиқ қиймати 70 000 сўмни ва сотиш нархи 200 000 сўмни ташкил этса, солиқ солинадиган айланма миқдори ва ҚҚС суммасини аниқланг.

Ечиш:

Банклар учун Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида назарда тутилган имтиёзлар бериладиганларидан ташқари, хизматлар қиймати солиқ солинадиган айланма ҳисобланади. ҚҚС солиғи суммасининг ҳисобга олиниши назарда тутилмаган асосий воситалар ва номоддий активларнинг сотилиши чоғида солиқ солинадиган айланма миқдори сотиш баҳоси билан қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади. Тугалланмаган қурилиш объектларининг (тугалланмаган қурилишни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда ҳисобга олинадиган) сотилиши чоғида солиқ солинадиган айланма миқдори сотиш баҳоси билан уларнинг ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади:

$$120\,000 - 50\,000 = 70\,000 \text{ сўм қолдиқ қиймат.}$$

$$200\,000 - 70\,000 = 130\,000 \text{ сўм солиқ солинадиган айланма миқдори.}$$

$$\boxed{\text{ҚҚСс} = T_{\text{қ}} * \text{СС} / (\text{СС} + 100)}$$

формуладан фойдаланиб ҚҚС ҳисобланади:

$$\text{ҚҚС} = 130\,000 * 20 / (100 + 20) = 21666,66 \text{ сўм.}$$

Жавоб: Берилган маълумотларга асосан, солиқ солинадиган айланма миқдори 130000 сўмни ҳамда ҚҚС суммаси 21666, (66) сўмни ташкил этади.

Акциз солиғига оид мисоллар

Алкоголли маҳсулотлар бўйича акциз солиғи ҳисоб-китоби.

1-Мисол

1.	Коньяк таркибидаги спирт ҳажми (%)	40 %
2.	Коньяк бўйича 1 декалитр коньяк учун бюджетга ўтказиладиган акциз солиғи суммаси (сўм.)	90006
3.	Коньяк бўйича 1 декалитр коньяк учун “Ўзмевасабзавотўзумсаноат-холдинг” ХК махсус ҳисобрақамига жўнатиладиган акциз солиғи суммаси (сўм.)	6000
4.	Корхона томонидан ишлаб чиқарилган коньяк миқдори (декалитр ҳисобида)	100

Корхона тўлайдиган акциз солиғи миқдорини топинг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига кўра 100 декалитр коньяк сотилганда бюджетга тўланадиган акциз солиғи суммаси 9 млн.600 сўмни ($90006 * 100 = 9000600$) ташкил этади.

100 декалитр коньяк сотилганда “Ўзмевасабзавотўзумсаноат-холдинг” ХК махсус ҳисобрақаига жўнатиладиган акциз солиғи суммаси 600 минг сўмни ($100 * 6000 = 600000$) ташкил этади.

Изоҳ: Таркибида этил спирти ҳажми 30 фоиз ва ундан юқори бўлган алкоголли маҳсулотларнинг барча турлари бўйича ҳисоб-китоблар мазкур мисолда кўрсатилганидек ҳисобланади.

Бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича акциз солиғи ҳисоб-китобига мисол (ўсимлик (пахта) ёғи).

Акциз солиғи суммасини ҳисоб-китоб қилиш учун қуйидаги формула бўйича шартномавий (эркин) нарх (акциз билан) аниқланади.

$$O = (C \times 100) / 100 - A,$$

Бунда:

O - ўз ичига акциз солиғини олган шартномавий (эркин) нарх, ҚҚСсиз;

C - корхонанинг ҳисоб-китоб қиладиган (улгуржи) нархи (меъёрлар бўйича харажатлар ва фойда меъёри);

A - акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$O \times A / 100$$

2 - Мисол

Корхона томонидан жами 68000 дона сигарета маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, унга ҳисобланадиган акциз солиғи суммасини топинг?

Ечиш:

ПҚ-2270-сонли қарорнинг 13-1 ва 13-2 иловаларига мувофиқ 2015 йил 1 январдан республикада ишлаб чиқариладиган фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папиросларнинг минг донаси учун 19196 сўм миқдорида акциз солиғи белгиланган. Ушбу маълумотдан фойдаланган ҳолда корхона тўлайдиган акциз солиғи суммасини ҳисоблаймиз.

Биринчи навбатда бир донна сигарета учун тўладиган акциз солиғини ҳисоблаймиз:

$$1 \text{ донаси учун} = 19196 : 1000 = 19,196 \text{ сўм}$$

Демак, бир дона сигарета учун корхона 19,196 сўм акциз солиғи тўлайди. Энди корхона томонидан ишлаб чиқарилган жами маҳсулотга акциз солиғи ҳисоблаймиз:

$$C = 680000 \times 19,196 = 13053280 \text{ сўм}$$

Корхона тўлайдиган жами акциз солиғи суммаси 13053280 сўмни ташкил этади.

3 - Мисол

Автомобил моделлари		Битта автомобилнинг чакана нархи	Битта автомобилга нисбатан солиқ базаси (дилернинг комиссиян мукофот суммасини чегирган ҳолдаги автомобилнинг чакана нархи)	Акциз солиғи тавкаси, %	Битта автомобилга акциз солиғи	Шу моделдаги ва модификациядаги сотилган автомобиллар сони, дон	Акциз солиғи суммаси (6-уст. х 7-уст.)
Модел номи	Опцияси						
1	2	3	4	В5	6	7	8
Матиз	“MX B0”	22540 минг сўм	21540 минг сўм	330 %		15	

4 - Мисол

Дилер томонидан “MX B0” модификацияли “Матиз Бест” русумли 15 та автомобилнинг ҳар бирини 22540 минг сўм чакана нархга сотиб олган бўлса, дилер қанча миқдорда акциз солиғи тўлайди.

Ечиш:

Сотилган автомобилга акциз солиғи суммаси қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$C = H \times \frac{A}{100 + A} \text{ бу ерда:}$$

С - акциз солиғи суммаси,

Н - солиқ солиш базаси,

А - акциз солиғи ставкаси.

Битта автомобилнинг солиқ солиш базаси 21540 минг сўм, демак 15 автомобилники 323 млн. 100 минг сўм ($15 \cdot 21540000 = 323100000$ сўм)ни ташкил этади.

Бундан акциз солиғини ҳисобласак,

$$C = 323100000 \cdot 30 / 100 \quad C = 96930 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$$

Демак дилер 15 та машина учун 96930 минг сўм акциз солиғи тўлайди.

Дилерлар ички бозорда сотилаётган “Женерал Моторс Ўзбекистон” ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобилларга акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 4-бандига мувофиқ ҳисобланган акциз солиғи суммасини, автомобилларни сотишдан олинadиган тушум билан биргаликда, савдо-дилерлик келишувида кўрсатилган муддатларда “Женерал Моторс Ўзбекистон” ЁАЖнинг махсус банк ҳисоб рақамига бир вақтда ўтказадилар.

Хорижий валютадаги халқаро пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда автомобиллар сотилганда, автомобил учун тўлов харидорлар томонидан “Женерал Моторс Ўзбекистон” ЁАЖ нинг транзит валюта ҳисоб рақамига ўтказилади. Тўлов суммаси тўлов ўтказилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ички бозорда амалда бўлган чакана нархига эквивалент миқдорда бўлади.

Шу билан бирга, “Женерал Моторс Ўзбекистон” ЁАЖ миллий валютадаги ўз пул маблағлари ҳисобидан:

- акциз солиғи суммасини – “Женерал Моторс Ўзбекистон” ЁАЖ нинг махсус банк ҳисоб рақамига;

- дилернинг коммиссион мукофот суммасини - дилернинг талаб қилиб олингунча Ўзбекистон депозит ҳисоб рақамига ўтказди.

“Женерал Моторс Ўзбекистон” ЁАЖ билан дилерлар орасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати савдо-дилерлик келишувлари шартларига мувофиқ ҳар ойлик солиштирма далолатномалар тузиш орқали назорат қилиб борилади.

Акциз солиғи маблағлари “Женерал Моторс Ўзбекистон” ЁАЖнинг махсус банк ҳисоб рақамидан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг тегишли қарорларига мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги муддатларда кўчирилади:

- ойнинг биринчи ўн кунлиги учун - шу ойнинг 13-кунидан кечиктирмай;

- ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун - шу ойнинг 23-кунидан кечиктирмай;

- ойнинг охириги ўн кунлиги учун - кейинги ойнинг 3 кунидан кечиктирмай.

4 - Мисол

Тўловчи қимматбаҳо тошлар бириктирилган (умумий оғирлиги 60 грамм бўлган 15 дона) бир партия тилла узукларини импорт қилувчи - етказиб берувчидан сотиб олди. Божхона юк декларацияси бўйича олтидан ишланган заргарлик буюмларининг умумий оғирлиги 180 граммни ташкил этган бўлса, унга ҳисобланган акциз солиғини ҳисобланг?

Заргарлик буюмларига акциз солиғи ставкаси 1 грамм оғирликдаги заргарлик буюми учун 10 АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгиланади.

Ечиш:

Заргарлик буюмларига акциз солиғининг суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиқиб қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C = (B \times A), \text{ бунда:}$$

C - заргарлик буюмларига акциз солиғининг суммаси;

B - заргарлик буюмининг оғирлиги;

A - заргарлик буюмларига акциз солиғининг ставкasi.

$$C = 180 \times 10 \$ = 1800 \$$$

1\$ = 3650 сўм бўлса, унда $C = 1800 \times 3650 = 6570000$ сўм бўлади.

Заргарлик буюмларига акциз солиғи ставкасининг сўмдаги эквивалентини аниқлаш учун заргарлик буюмларига акциз солиғи ҳисоблаб чиқарилаётган ойдан олдин келувчи ойнинг сўнгги кунида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс қўлланилади.

Сотилган заргарлик буюмлари бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаш учун тўловчилар сотилган заргарлик буюмлари реестрини юритадилар.

Давлат даромадига ўтказилиб сотилган заргарлик буюмлари бўйича алоҳида сотилган заргарлик буюмлари реестри юритилади.

Тўловчилар бюджетга тўланиши лозим бўлган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқаришда тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда заргарлик буюмлари бўйича ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олинган, ҳам уларни олиб киришда тўланган акциз солиғи суммасини чегириш ҳуқуқига эга.

Сотиб олинган заргарлик буюмлари бўйича акциз солиғи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардир, яъни:

- ҳисобварақ-фактура,
- божхона юк декларацияси.

Чегирилиши лозим бўлган акциз солиғи суммасини аниқлаш учун тўловчилар сотиб олинган заргарлик буюмлари бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрини юритишлари лозим.

Бунда, сотиб олинган заргарлик буюмлари бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрига фақат акциз солиғи ажратиб кўрсатилган ҳисобварақ-фактуралар киритилади.

Тўловчилар, шунингдек қуйида келтирилган хужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслардан сотиб олинган импорт заргарлик буюмлари бўйича акциз солиғини чегириш ҳуқуқига эга:

- сотилган заргарлик буюмларига ҳисобварақ-фактура;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига заргарлик буюмларини олиб киришда акциз солиғи ҳақиқатда тўланганлигини тасдиқловчи божхона юк декларацияси.

Заргарлик буюмларини импорт қилувчи - етказиб берувчилардан олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича чегирилиши лозим бўлган акциз солиғи суммаси тўловчи томонидан ҳисоб-китоб йўли билан тақдим этилган хужжатлар асосида сотиб олинган заргарлик буюмлари бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрида қуйидаги тартибда кўрсатилади:

- 1 грамм оғирликдаги заргарлик буюми учун акциз солиғи суммаси аниқланади - акциз солиғининг умумий суммасини божхона юк декларациясида кўрсатилган заргарлик буюмининг умумий оғирлигига бўлиш орқали;

- чегирилиши лозим бўлган заргарлик буюмига акциз солиғи суммаси аниқланади - 1 грамм оғирликдаги заргарлик буюми учун акциз солиғи суммаси импорт қилувчи - етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурасида кўрсатилган заргарлик буюмининг умумий оғирлигига кўпайтирилади.

Масалан, тўловчи қимматбаҳо тошлар бириктирилган (умумий оғирлиги 45 грамм бўлган 15 дона) бир партия тилла узукларини импорт қилувчи - етказиб берувчидан сотиб олди. Божхона юк декларацияси бўйича олтидан ишланган заргарлик буюмларининг умумий оғирлиги 135 граммни ташкил этиб, улар бўйича 1350 \$ акциз солиғи тўланди. Шу тариқа, 1 грамм оғирликдаги заргарлик буюмига тўғри келувчи заргарлик буюмининг импорт қилувчи - етказиб берувчисига тўланган акциз солиғи суммаси қуйидагича аниқланади: $1350 / 180 = 7,5$ \$.

Мос равишда, тўловчи томонидан чегирилиши лозим бўлган заргарлик буюмига акциз солиғи суммаси қуйидагича: $7,5 \times 60 = 450$ \$.

Агар солиқ даврида чегириш суммаси заргарлик буюмларига ҳисобланган акциз солиғи суммасидан кам бўлса, чегириш ҳақиқатдаги суммадан келиб чиқиб қўлланилади.

5 - Мисол

Қуйидаги маълумотларга асосан акциз солиғини ҳисобланг.

1. Корхонанинг ҳисобли баҳоси – 2200 сўм
2. Маҳсулот учун белгиланган солиқ ставкаси – 25 %.

Ечиш:

Акциз солиғи қуйидагича аниқланади:

$$Ac = O \times A / 100 = (2200 \times 25) / 100 = 550 \text{ минг сўм}$$

$$\text{ёки } Ac = 2750 - 2200 = 550 \text{ минг сўм}$$

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи масалалари Солиқ кодексининг XIII бўлими билан тартибга солинади.

1 – Мисол

1) Корхонанинг ҳисобот давридаги солиқ тўлангунга қадар бўлган фойдаси 350000 сўмга тенг, фойда солиғи суммаси 75000 сўм. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 295-моддаси 1- қисмига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилардир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 296-моддасига кўра, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базадир, бундан Солиқ кодексининг 297-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 300-моддаси 1-3-7-8- қисмларида Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши кўрсатиб ўтилган.

Солиқ тўловчилар, бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида кўсатилганлар мустасно, ҳисобот даври мобайнида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи буйича жорий тўловларни тўлайдилар.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб - китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан ортиб боровчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 - кунидан

кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш мазкур солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

$$350000 - 75000 = 275000 \text{ сўм}$$

Ўзбекистонда Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 0,08 фоиз миқдорда эканлигини ҳисобга олиб,

$$275000 * 0,08 = 22000 \text{ сўм}$$

Жавоб: Корхонанинг ҳисобот давридаги солиқ тўлангунга қадар бўлган 350000 сўм фойдасидан 22000 сўм Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисобланди.

2– Мисол

Ҳисобот даврида корхоналарнинг умумий таълим мактабининг тутиб туриш харажатлари 200000 сўмни ташкил этади. Солиқ солинадиган фойда 900000 сўмдан иборат, фойда солиғи суммаси 800000 сўм. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 300-моддаси 2-қисмига мувофиқ балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қуйидаги тартибда аниқланади:

- агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўланмайди;

- агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан кам бўлса, бюджетга тўланадиган солиқ ҳисоблаб чиқариладиган солиқ суммаси билан ҳақиқатда сарфланган харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади, яъни,

$$800000 - 200000 = 600000 \text{ сўм,}$$

$$900000 - 600000 = 300000 \text{ сўм,}$$

$$300000 * 0,08 = 24000 \text{ сўм.}$$

Лекин Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини олмаймиз, чунки,

$$900000 - 800000 = 100000 \text{ сўм.}$$

100000 сумма 200000 сўмдан кичик, корхона ўзининг ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун харажат қилади.

Жавоб: 24000 сўм Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисобланди, корхона ҳисобланган 24000 сўм маблағни тўламайди.

3 - Мисол

2016 йилнинг I ярим йиллик якунлари буйича корхона қуйидаги маълумотларга эга, яъни, унинг фойда солиғи тўлангандан кейинги фойдаси – 5620000 сўм;

- дивидент шаклидаги даромад – 780000 сўм;

- I чорак якунлари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича тўланган сумма 257200 сўм.

4 - Мисол

Корхонада инфратузилма объектлари мавжуд эмас. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича солиқ солинадиган база, I чорак якунлари бўйича ҳисобланган Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳамда II чорак учун бюджетга тўланиши лозим бўлган Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 295-моддаси 2-қисмига кўра қуйидагилар мазкур солиқни тўловчилар бўлмайди:

- нотижорат ташкилотлари, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдаси мустасно;

- Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 296-моддасида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базадир, бундан Кодекснинг 297-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустаснодир.

Бунда солиқ солинадиган база олинishi лозим бўлган (олинган) дивидентлар суммасига, қўшимча фойда солиғи тўловчилар учун эса соф қўшимча фойда суммасига ҳам камайтирилади.

$5620000 - 780000 = 4840000$ сўм солиқ солинадиган база ҳисобланади.

Ўзбекистонда Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 8 фоиз миқдорда эканлигини ҳисобга олиб,

$4840000 * 0,08 = 387200$ сўм I ярим йиллик учун якунлари бўйича ҳисобланган сумма.

$387200 - 257200 = 130000$ сўм II чорак учун бюджетга тўланиши лозим бўлган сумма.

Жавоб: Корхонанинг Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича солиқ солинадиган базаси 4840000 сўм, I чорак якунлари бўйича ҳисобланган солиқ 387200 сўм, ҳамда II чорак учун бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси 130000 сўмни ташкил этади.

5 - Мисол

2017 йилнинг I чораги якуни бўйича корхона қуйидаги маълумотларга эга:

- ялпи тушум – 4200000 сўм (ҚҚСсиз);
- реализация қилинган маҳсулот таннари – 1600000 сўм;
- солиқ солинадиган базадан чегириладиган бошқа ҳаражатлар – 500000 сўм;
- ҳисобланган фойда солиғи – 150000 сўм;
- корхона балансида болалар боғчаси мавжуд бўлиб, уни сақлашга – 500000 сўм сарфланган.

Солиқ солинадиган соф фойда суммаси, корхонанинг соф фойдаси, болалар боғчасига қилинган ҳаражатларга тўғри келадиган фойда солиғи, Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳамда бюджетга тўланадиган солиқ суммасини аниқланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 300 моддаси 1 ва 2 - қисмида Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қуйидаги тартибда аниқлайдилар:

- агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлса солиқ тўланмайди.

Корхонанинг соф фойдаси $4200000 - 1600000 - 500000 - 150000 = 1950000$ сўмни ташкил этади.

Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари мавжуд бўлган солиқ тўловчиларда Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича солиқ солинадиган базани қуйидаги формула билан топилади:

$$C_{\text{ф}} + X_{\text{инф}} - C_{\text{инф}}$$

Бу ерда:

$C_{\text{ф}}$ – фойда солиғи чегирилгандан сўнг корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда.

$X_{\text{инф}}$ – ижтимоий инфратузилмани сақлаш учун ҳақиқатда қилинган харажатлар.

$C_{\text{инф}}$ – ижтимоий инфратузилмани сақлаш учун ҳақиқатда қилинган харажатларга тўғри келадиган фойда солиғи суммаси ($X_{\text{инф}} * \text{фойда солиғи ставкаси} / 100$).

$1950000 + 500000 - 45000 = 2405000$ сўм балансида ижтимоий инфратузилма бўлганлиги боис солиқ солинадиган соф фойда суммаси.

500000 сўм болалар боғчасини сақлашга қилинган ҳақиқатдаги харажат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ – 2699 - сонли қарорига асосан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси – 7,5 % ни ҳисобга олиб, $500000 * 7,5 \% = 37500$ сўм болалар боғчасига қилинган харажатларга тўғри келадиган фойда солиғининг суммасидир.

$2405000 \cdot 8\% = 192400$ сўм Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси ҳисобланади.

Жавоб: Бу ерда болалар боғчасини сақлашга қилинган ҳаражатлар 500000 сўмни ташкил этиб, Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғидан (192400 сўм) ортиқлигини инобатга олиб, бюджетга ушбу солиқ тўланмайди.

Агар ижтимоий инфратузилма объектларининг таъминлаш учун ҳаражатлар суммаси юқоридагига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан кам бўлса, бюджетга тўланадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳақиқатда сарфланган ҳаражатлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

5 - Мисол

2017 йилнинг I ярим йиллик якунлари бўйича корхона қуйидаги маълумотларга эга:

- ялпи тушум – 8800000 сўм (ҚҚСсиз).
- реализация қилинган маҳсулот таннари – 3900000 сўм.
- солиқ солинадиган базадан чегириладиган бошқа ҳаражатлар – 700000 сўм.
- ҳисобланган фойда солиғи – 378000 сўм.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича қилинган ҳаражатлар эса қуйидагича:

- I чорак учун – 185000 сўм.
- II чорак учун жорий тўлов – 90000 сўм.

Корхонада ижтимоий инфратузилма объектлари мавжуд эмас.

Солиқ солинадиган база, ҳисобот даврида бюджетга тўланиши лозим Ўзбекистон суммаси ҳамда ярим йил якуни бўйича корхона ободонлаштириш солиғи бўйича ҳисоб – китобни аниқланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 300-моддаси 6 дан 11–кисмида кўрсатилганидек, солиқ тўловчилар (бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно) ҳисобот даври мобайнида Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловлар тўлайди.

Жорий тўловлар ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг йил чорагидаги суммасининг учдан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.

Қуйидагилар жорий тўловларни тўламайди:

- ҳисобот даврида солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда бўлган солиқ тўловчилар;
- илгариги ҳисобот даврида ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаш харажатлари суммаси солиқ солинадиган база суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлган солиқ тўловчилар;
- ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш мазкур солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатида кечиктирмай амалга оширилади.

$8800000 - 3900000 - 700000 - 378000 = 3822000$ сўм солиқ солинадиган база.

$3822000 * 0,08 = 305800$ сўм ҳисобот даврига бюджетга тўланиши лозим бўлган Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисобланади.

Ярим йил якуни бўйича корхона Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича тўлиқ ҳисоб-китоб куйидагича амалга оширилиши керак:

тўлашга I ярим йил учун 305800 сўм,

I чоракда тўланган - 185000 сўм,

II чорак учун жорий тўлов тўланган – 90000 сўм,

$305800 - 185000 - 90000 = 30800$ сўм тўлайди.

Жавоб: Солиқ солинадиган база 3822000 сўмни ташкил этиб, ҳисобот даврида бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси 305800 сўм ҳамда ярим йил якуни бўйича корхона 30800 сўм Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлайди.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқларни ҳисоблашга оид мисоллар ечиш.

1 -Мисол

Ҳисобот даврининг 1-чораги учун болалар боғчасини инфратузилмасини тутиб туриш учун 100 000 сўм харажат қилди. Солиқ солинадиган даромад 700 000 сўмдан иборат. Фойда солиғи суммаси 250 000 сўм. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 296-моддаси 1- бандида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базаси эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Кодекснинг 297-моддасига асосан, балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар солиқ солинадиган базани ҳисобланган фойда солиғи чегириб ташланган ҳолда юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойдани ва ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун ҳақиқатда сарфланган харажатларнинг мазкур харажатлар суммасидан ҳисоблаб чиқилган фойда солиғи суммасига камайтирилган суммасини қўшиш орқали аниқлаши белгилаб қўйилган.

Ушбу моддани қўллаш мақсадида ижтимоий инфратузилма объектларига соғлиқни сақлаш объектлари, таълим объектлари ва болалар дам олиш оромгоҳлари киради.

1. Солиқ солинадиган даромаддан фойда солиғи суммасини айирамиз,

$$700\ 000 - 250\ 000 = 450\ 000 \text{ минг сўм}$$

2. Солиқ солинадиган база: 450 000 сўм

3. Сўнгра биз 450 000 сўмни Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкасига кўпайтирамиз, $450\ 000 \times 8\% = 36\ 000$ сўм

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 300-моддасига кўра балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қуйидаги тартибда аниқлайдилар:

- агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўланмайди;

- агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан кам бўлса, бюджетга тўланадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳақиқатда сарфланган харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Яъни, корхона 36 000 сўм Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаши керак эди. Лекин у амалда 100 000 сўм инфратузилмани тутиб туриш учун сарфлаган. Шунинг учун корхона мазкур солиқни тўловчи ҳисобланмайди.

Жавоб: Болалар боғчаси ҳисобот даврининг 1- чораги учун 700 000 сўм даромаддан 36 000 сўм Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаши керак эди, лекин у амалда 100 000 сўм инфратузилмани тутиб туриш учун сарфлаган. Шунинг учун корхона Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчи ҳисобланмайди.

2 – Мисол

Ҳисобот даврида корхонанинг солиқ солинадиган фойдаси 800 000 сўмдан иборат. Фойда солиғи суммаси 50 000 сўм. Корхона экспортга товар реализация қилганлиги учун имтиёзли, яъни 10,5 % да фойда солиғи ҳисоблаган. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 296-моддаси 1- бандига кўра юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин

юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базадир.

Корхона экспортга товар реализация қилганлиги учун имтиёзли, яъни 10,5 % да фойда солиғини ҳисоблаймиз:

$$800\,000 \times 10,5\% = 84\,000 \text{ сўм},$$

жами фойда солиғи суммаси: $50\,000 + 84\,000 = 134\,000$ сўмни ташкил этади.

Солиқ солинадиган даромаддан фойда солиғи суммасини айирамиз:

$$800\,000 - 134\,000 = 666\,000 \text{ сўм}$$

Солиқ солинадиган база: 666 000 сўм

$$666\,000 \times 8\% = 53\,280 \text{ сўм}$$

Жавоб: Ҳисобот даврида корхона 53280 сўм Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлайди.

3 – мисол

Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш муассасасини тутиб туриш харажатлари 250 000 сўмни ташкил этади, солиқ солинадиган даромад 5500000 сўмдан иборат. Фойда солиғи суммаси 2300000 сўм. Даромад солиғи ставкаси - 35%. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаймиз.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 296-моддаси 1- бандида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базаси эканлиги белгилаб ўтилган.

Солиқ солинадиган даромаддан фойда солиғи суммасини айирамиз,

$$500000 - 2300000 = 2200000 \text{ сўм}.$$

Соғлиқни сақлаш муасасасини тутиб туриш харажатлари суммасини фойда солиғи ставкасига кўпайтирамиз.

$$250\,000 \times 35\% = 87\,500 \text{ сўм}$$

Солиқ солинадиган база: $2\,200\,000 + 250\,000 + 87\,500 = 2\,537\,500$ сўм.

Сўнгра биз $2\,537\,500$ сўмни Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкасига кўпайтирамиз,

$$2\,537\,500 \times 8\% = 203\,000 \text{ сўм.}$$

Демак, Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи $203\,000$ сўмни ташкил этади, лекин корхона амалда ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш учун $150\,000$ сўм харажат қилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 300-моддасига кўра балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қуйидаги тартибда аниқланади:

– агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўланмайди;

– агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан кам бўлса, бюджетга тўланадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳақиқатда сарфланган харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Мазкур корхона бюджетга $203\,000 - 150\,000 = 53\,000$ сўм фарқни тўлаши лозим.

Жавоб: Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш муассасаси 53 000 сўмлик Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлади.

4-Мисол

Уран қазиб олувчи корхона ҳисобот даврида 50 тонна олтин қазиб олган ва 70 % ни 350 000 000 сўмга реализация қилган. Корхонанинг ҳисобот даврида тўлаши лозим бўлган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини аниқланг?

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги

ПҚ-269-сон қарорига асосан ер қаъридан фойдаланганлик учун уран учун солиқ ставкаси 10 % белгиланган.

Уран учун белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 243-моддасига кўра ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

- ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олаётган, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилар;

- фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган ер қаъридан фойдаланувчилар.

50 тонна - 100 %

x тонна - 70%

$X = 50 \times 70 / 100 = 35$ тонна

1,1 тонна уран қиймати $350\,000\,000 / 35 = 10\,000\,000$ сўм.

ҚҚС учун солиқ суммаси Солиқ кодексининг 245-моддаси 2-бандида келтирилганидек, ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот бўйича алоҳида, пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда) натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

$$350\,000\,000 \times 20\% = 70\,000\,000 \text{ сўм}$$

Уран учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган база Солиқ кодексининг 245-моддаси 1-бандига кўра ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш учун, агар ушбу модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот ҳажмининг ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоблаб чиқилган қиймати солиқ солинадиган базадир.

$$350\,000\,000 - 70\,000\,000 = 280\,000\,000 \text{ сўм}$$

$$280\,000\,000 \times 10\% = 28\,000\,000 \text{ сўм}$$

Жавоб: Корхона реализация қилган уран учун $28\,000\,000$ сўм ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.

5 – мисол

Кўмир қазиб олувчи корхона ҳисобот даврининг 1-чорагида 1900 тонна кўмир қазиб олди, лекин реализация қила олмади. Қазиб олинган кўмирнинг таннарни $171\,000\,000$ сўм. Корхона ҳисобот даврининг 4-чорагида қазиб олинган кўмирнинг ҳаммасини $285\,000\,000$ сўмга реализация қилди. Корхонанинг тўлаши лозим бўлган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг?

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 243-моддасига кўра, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

- ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олаётган, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилар;

- фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган ер қаъридан фойдаланувчилар.

1 тонна кўмир таннархи $1\,710\,000\,000 / 1900 = 900\,000$ сўмни ташкил этади.

Реализация қилинмаган кўмир учун ер қаъридан фойдаланганлик солиғи суммаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 245-моддаси 4-бандида тайёр маҳсулот умуман реализация қилинмаган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳисобот даврида мазкур фойдали қазилмаларни кавлаб олишнинг (ажратиб олишнинг) ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши кўрсатиб ўтилган. Бунда солиқ тўловчи реализация қилиш амалга оширилган ўша ҳисобот даврида ҳисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасига ҳисобот даврида таркиб топган ўртача олинган баҳодан келиб чиққан ҳолда кейинги тузатишни киритиши шарт.

$$1\,710\,000\,000 \times 4\% = 68\,400\,000 \text{ сўм.}$$

Реализация қилинган кўмир учун ҚҚС учун солиқ суммаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 245-моддаси 2-бандига асосан, ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот бўйича алоҳида, пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда) натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

$$2850000000 \times 20 \% = 570000000 \text{ сўм}$$

Реализация қилинган кўмир учун ер қаъридан фойдаланганлик солиғи суммаси:

$$2850000000 - 570\,000\,000 = 2280000000 \text{ сўм}$$

$$2280000000 \times 4 \% = 91\,200\,000 \text{ сўм}$$

Жами ер қаъридан фойдаланганлик солиғи суммаси,

$$91200000 - 68400000 = 22800000 \text{ сўм}$$

$$68400000 + 22800\,000 = 91200000 \text{ сўм}$$

Жавоб: Кўмир казиб олувчи корхона ҳисобот даврининг 1-чорагида таннархдан 68400000 сўм ер қаъридан фойдаланганлик солиғи тўлади. Ҳисобот даврининг 4-чорагида реализация қилинган кўмир учун ер қаъридан фойдаланганлик солиғини 1-чоракдаги сумма ўртасидаги фарқидан келиб чиқиб тўлади, яъни 22800000 сўм.

Жами ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммаси 91.200.000 сўмни ташкил этади.

Бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар ажратиш тартиби

1-мисол

Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 27-декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017-йилдаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози ПҚ-2699 қарорига мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ставкаси микрофирмалар ва кичик корхоналар учун 1,6 % қилиб белгиланган.

Полиэтилен ишлаб чиқарувчи “Мадад” микрофирмаси 1- чорак бўйича ишлаб чиқариш ҳажми 15 млн.сўм. Товарни ҚҚС билан реализация қилингандан тушган тушум 24 млн. сўм. Корхона бюджетдан ташқари

пенсия жамғармасыга ажратиладиган мажбурий ажратманинг обороти ва ажратманинг қийматини топинг.

Ечиш:

Солиқ кодексининг 313-моддасига мувофиқ ушбу моддада бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда соф тушум бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасыга мажбурий ажратмаларнинг солиқ солинадиган объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

$$15000000 * 20 / 100 = 3000000 \text{ сўм ҚҚС.}$$

$$24000000 - 3000000 = 21000000 \text{ сўм солиқ солинадиган оборот.}$$

$$21000000 * 1,6 / 100 = 336000 \text{ сўм.}$$

Жавоб: Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасыга ажратиладиган мажбурий ажратманинг обороти 21000000 сўм. Пенсия жамғармасыга тушадиган мажбурий ажратманинг қиймати 336000 сўм.

2-Мисол

“Турон Мега Строй” компанияси буюртма асосида 100 млн. сўмлик бинони қурди. Бино қурилишига кетган материаллар қиймати 70 млн. сўм., компания томонидан бажарилган ишларнинг қиймати 30 млн. сўмни ташкил қилди. Шартномага кўра материалларни етказиб бериш буюртмачининг зиммасида. “ТМС” компанияси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасыга ажратадиган мажбурий ажратманинг қийматини ҳисобланг.

Ечиш: Солиқ кодексининг 313-моддасига мувофиқ қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш қурилиш, ишга тушириш созлаш, лойиҳа қидирув ва илмий тадқиқот ташкилотлари учун – ўз кучлари билан бажарилган ишларнинг ҚҚС чегириб ташланган қиймати солиқ солинадиган оборот ва солиқ солинадиган база бўлиб ҳисобланади. Бунда агар юқорида айтилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартнома бўйича буюртмачи зиммасида бўлса, ушбу материалларга мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан

бажарилган ишларни реализация қилишдан олинган тушум бажарилган ва тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади, яъни,

$$300000000 * 20 / 100 = 60000000 \text{ сўм}$$

$$300000000 - 60000000 = 240000000 \text{ сўм}$$

$$240000000 * 1,6 / 100 = 384000 \text{ сўм}$$

Жавоб: 384000 сўм бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратилган

3 - Мисол.

Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 27-декабрдаги Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2017-йилдаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози ПҚ-2699-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ставкаси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум ҳажмига нисбатан 2016-йил даражасидаги 1,4 % микдорда сақланиб қолинган.

Чакана савдо билан шуғулланувчи корхона асосий фаолиятдан ташқари ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланади. 2017-йил 1-чорак учун товарларни сотишдан тушган соф тушум 12 млн. сўм., корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш натижасида тушган тушум 6600000 сўм., корхона ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг таннари 4 млн., сўм. корхона 11 млн. сўмлик енгил автомобил сотиб олган. Корхонадан Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратма ва ундириладиган йиғим қийматини аниқланг.

$$4000000 * 20 / 100 = 800000 \text{ сўм} - \text{ҚҚС.}$$

$$6600000 - 800000 = 5800000 \text{ сўм} - \text{солиқ солинадиган база.}$$

$$5800000 * 1,4 / 100 = 81200 \text{ сўм} \text{ мажбурий ажратма.}$$

Солиқ кодексининг 54-боб 321-моддасига мувофиқ автотранспорт воситаларини сотиб олувчи ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига

вақтинчалик олиб киришни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим тўловчилардир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 22-декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 24-илоvasи Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 27-декабрдаги Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2017-йилдаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози ПҚ-2699-сонли қарорида ўзгаришсиз қолган.

Бунда ишлаб чиқарилган давлатидан қатъий назар ихтисослаштирилган савдо тармоғида харид қилинадиган янги автотранспорт воситалари учун Республика йўл жамғармасига йиғим миқдори – харид қийматидан ягона 3 % қилиб белгиланган.

$$11000000 * 3 / 100 = 330000 \text{ сўм йўл жамғармасига йиғим.}$$

$$81200 + 330000 = 411200 \text{ сўм}$$

Жавоб: 411200 Йўл жамғармасига ажратилади.
--

4 - Мисол

Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирадиган республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторларига қарашли туманлараро база 2017- йил биринчи чорақда 52,5 млн. сўм ялпи даромадга эга бўлди. Шу билан бирга товарларни ташиш учун Тожикистон Республикасидан вақтинчалик юк машинаси олиб кирди ва юк машинаси Ўзбекистон ҳудудидан 10 суткада чиқиб кетди. Республика йўл жамғармасига ажратма ва йиғим қийматини аниқланг.

Республика йўл жамғармасининг мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб китоби 16-илоvasи бўйича улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига

кирадиган республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторлари ва уларнинг худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларининг ялпи даромади солиқ солинадиган база ҳисобланади. 1% ставкада ажратма ажратилади.

$52500000 * 1/100 = 525000$ сўм мажбурий ажратма 1 АҚШ доллари = 3678 сўм

$$130 * 3678 = 478140 \text{ сўм.}$$

Юк автотранспорт воситаси ва автобус Ўзбекистон Республикаси худудида 8 суткадан ошган ҳар бир кун учун 50 АҚШ доллари миқдорида пеня тўлайди.

$$100 * 3678 = 367800 \text{ сўм}$$

$$525000 + 478140 + 367800 = 1370940 \text{ сўм}$$

5 - Мисол

Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 27-декабрдаги Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2017-йилдаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози ПҚ-2699-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкаси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум ҳажмидан ҚҚС ва акциз солиқларини чегирган ҳолда 2016-йил даражасидаги 0,5 % миқдорида сақланиб қолинди.

6 - Мисол

Шароб ишлаб чиқарувчи завод 2017-йил 1-чорақда 3000 л. (150 далл) “Столичный” ароқ ичимлигини реализация қилди. 1 шиша маҳсулот нархи 3713 сўмни ташкил этади. 1 дал учун акциз солиғи 54057 сўм, соф тушум эса 23100000 сўм. Кохона бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-

хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратадиган мажбурий ажратма қийматини аниқланг.

$$23100000 - 3850000 (\text{ҚҚС}) = 19250000 \text{ сўм}$$

$$19250000 - 8108550 (\text{Акциз солиғи}) = 11141450 \text{ сўм}$$

$$11141450 * 0,5 / 100 = 55707,25 \text{ сўм}$$

Жавоб: 55707,25 сўм Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратилади.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш мавзусида оид мисоллар ечиш

Ўзбекистон Республикасида солиқ муносабатлари, шу жумладан жисмоний шахсларни солиққа тортиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан тартибга солинади ва амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 25.12.2007 йил ЎРҚ-136-сон қонуни билан тасдиқланган ва 01.01.2008 йилдан эътиборан амалга киритилган.

1– мисол

1) Корхона ходимиға январ ойи учун 1000000 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Ходимнинг иш ҳақидан даромад солиғини ҳисобланг.

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 27-моддасига асосан, ставка солиқ солинадиган базаниг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги миқдорни ифодалайди.

Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ставкалари, Кодексида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 186-модда 1-қисмига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳисобга олинади.

2017 йил январ ойи учун даромад солиғининг прогрессив шкаласи қуйидагича белгиланган:

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
ЭКҲИ нинг 1 бараваригача 0 фоиз	0 сўм
ЭКИҲ нинг 1 бараваридан 5 бараварича 7,5 фоиз	$5 \cdot 149775 = 748875$ дан 56165,6 сўм
ЭКИҲ нинг 5 бараваридан 10 баробаригача 17 фоиз	748875 сўмдан 1497750 сўмгача 748875 сўмдан 127308,7 сўм
ЭКИҲ нинг 10 бараваридан юқориси 23 фоиз	1497750 сўмдан юқориси

2 - Мисол

Ходимга январ ойи учун ҳисобланган иш ҳақи – 1000000 сўмни ташкил этади. Январ ойи учун энг кам иш ҳақи миқдори – 149775 сўм.

Ходимнинг иш ҳақидан январ ойи учун даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1) $1000000 - 149775 = 850225$ сўм. (Солиққа тортиладиган база)

2) $5 \cdot 149775 = 748875 \cdot 7,5 \% = 56165,6$ сўм

3) $850225 - 748875 = 101350$ сўм

4) $101350 \cdot 17 \% = 17229,5$ сўм

Демак, даромад солиғи $56165,6 + 17229,5 = 73395,1$ сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 декабрдаги 595-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасига мувофиқ иш берувчилар ҳар ойда қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб ёзилган жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварагига 1% миқдорида мажбурий ушланмалар ўтказилади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия таъминотига ҳисобланган 1% бадал ҳамда ходимнинг хохишига асосан ўтказилган маблағлар даромад солиғига тортилмайди.

$1000000 * 1 \% = 10000$ сўм мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадали.

Жавоб: Корхона ходимиغا январ ойи учун 1000000 сўм иш ҳақидан 73395,1 сўм даромад солиғи ҳисобланади.

2) Корхона ходимиغا январ ойи учун 1000000 сўм иш ҳақи ҳисоблаган. Агар ходим I ёки II гуруҳ ногирони бўлса, ходимнинг иш ҳақига қанча даромад солиғи ҳисобланади ?

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30-моддасига кўра ушбу кодексда, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180-модда 2-қисми 5-бандига асосан, болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлари даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади, имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

Ушбу имтиёз тегишли хужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади.

Имтиёзни қўллаш жисмоний шахснинг асосий иш жойи бўйича, асосий иш жойи бўлмаган тақдирда яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади. Имтиёзга бўлган ҳуқуқ йўқотилган тақдирда, жисмоний шахс имтиёз йўқотилган пайдан эътиборан 15 кун ичида бу ҳақда ундан солиқни ушлаб қоладиган юридик шахсга маълум қилиши керак.

2 - Мисол

Жисмоний шахс ҳеч қаерда ишламайди, унга тегишли 2 хонали хонадонни ижара шартномаси асосида ойига 500000 сўмга берилса, мол - мулкни ижарага берилганлиги учун қанча даромад солиғи ҳисобланади? Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 181-моддаси га мувофиқ, мол - мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар белгиланган энг кам ставка (7,5 %) бўйича солиқ солинади.

Шунга асосан, мол – мулкни ижарага беришдан олган даромади учун:

Жавоб: $500000 \cdot 7,5 = 37500$ сўм миқдорида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланади.
--

Агар жисмоний шахс I ва II гуруҳ ногирони бўлса, яшаш жойидаги давлат солиқ инспекциясига жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация топширган пайтда, агар пенсия гувоҳомаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси тақдим этилса, унга тегишли 2 хонали хонадонни ижара беришдан олинган даромад суммаси, 500000 сўм ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг 4 бараваридан, яъни,

Жавоб: $4 \cdot 149775 = 599100$ сўмдан кам бўлганлиги сабабли, 37500 сўм миқдоридаги жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлашдан озод этилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, агар жисмоний шахс асосий иш жойи бўйича даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинган даромад солиғидан озод қилинган бўлса, мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларига мазкур имтиёз татбиқ этилмайди.

3 - Мисол

Жисмоний шахс эгалигида иккита хонадон мавжуд, яъни биринчиси 2 хонали бўлиб, умумий майдони 54 кв.м.ни ва мулк қиймати 10 млн. сўмни ҳамда иккинчиси 4 хонали бўлиб, умумий майдони 100 кв.м.ни ва мулк қиймати 20 млн. сўмни ташкил этса, ушбу хонадонларга қанча мол – мулк солиғи ҳисобланади?

Ечиш:

Жавоб: Ушбу ҳолатда 2017 йил учун 2 хонали хонадон учун:
 $10000000 \text{ сўм} \cdot 1,7 \% = 170000 \text{ сўм}$ ва 4 хонали хонадон учун,
 $20000000 \text{ сўм} \cdot 1,7 \% = 340000 \text{ сўм}$ мол – мулк солиғи ҳисобланади.

Агар жисмоний шахс I ва II гуруҳ ногирони бўлса, мол-мулки жойлашган жойдаги давлат солиқ инспекциясига пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномасини тақдим этса:

Жавоб: 2 хонали хонадон учун имтиёз олишни танласа, у ҳолда 2 хонали хонадоннинг умумий майдони 60 кв.м.дан кичик бўлганлиги сабабли, 2 хонали хонадон учун ҳисобланган 170000 сўм мол – мулк солиғини тўлашдан озод этилади ва 4 хонали хонадон учун ҳисобланган 340000 сўм мол – мулк солиғини тўлайди.

Жавоб: 4 хонали хонадон учун имтиёз олишни танласа, у ҳолда 4 хонали хонадоннинг умумий майдони 60 кв.м.дан катта бўлганлиги сабабли, фақат унинг 60 кв.м. учун ҳисобланган, яъни, $340000 \text{ сўм} / 100 \text{ кв.м.} * 60 \text{ кв.м.} = 204000 \text{ сўм мол}$ – мулк солиғини тўлашдан озод этилади ва 40 кв.м. учун ҳисобланган, $340000 \text{ сўм} / 100 \text{ кв.м.} * 40 \text{ кв.м.} = 136000 \text{ сўм мол}$ – мулк солиғини тўлайди.

Умуман олганда, агар 2 хонали хонадон учун имтиёз олишни танласа, бюджетга 340000 сўм мол – мулк солиғи тўлайди. Агар 4 хонали хонадон учун имтиёз олишни танласа, бюджетга 306000 сўм ($170000 \text{ сўм} + 136000 \text{ сўм}$) мол – мулк солиғи тўлайди, танлов эса унинг хохишига қараб амалга оширилади.

4 - Мисол

Жисмоний шахс эгалигида 2 та ховли мавжуд, яъни биринчиси умумий майдони 600кв.м.ни ташкил этиб, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида жойлашган, иккинчиси умумий майдони 600 кв.м.ни ташкил этиб, Тошкент шаҳар Сергели туманида жойлашган. Ушбу иккита ховли учун жисмоний шахсдан қанча ер солиғи ундирилади?

Ечиш:

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий

макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-2699-сонли қарорининг 20 – иловаси билан тасдиқланган “Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари” 5–жадвалга мувофиқ, якка тартибда уй – жой қуришга бериладиган ерлар учун фуқаролардан ундириладиган ер солиғининг базавий ставкалари, 1 кв.м. учун Шайхонтохур тумани бўйича – 654,0 сўм ва Сергели тумани бўйича 258,5 сўм белгиланган.

Жавоб: Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, 2017 йилда Шайхонтохур туманида жойлашган ховли учун $600 \text{ кв.м.} * 654,0 \text{ сўм} = 392400 \text{ сўм}$ ер солиғи ва Сергели туманида жойлашган ховли учун $600 \text{ кв.м.} * 258,5 \text{ сўм} = 155100 \text{ сўм}$ жисмоний шахслардан ер солиғи ҳисобланади .

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 290-моддасига асосан, ер солиғидан I ва II гуруҳ ногиронилари озод қилинадилар. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий – меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

Имтиёз якка тартибдаги уй – жой қурилиши, деҳқон хўжалиги юритиш учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларга берилади. Бунда ушбу имтиёзлар солиқ тўловчининг танлаши бўйича фақат битта ер участкасига берилиши мумкин.

Жавоб. Агар жисмоний шахс Шайхонтохур тумани давлат солиқ инспекциясига пенсия гувоҳномаси ёки тиббий – меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномасини тақдим этса, ҳисобланган 392400 сўм ер солиғини тўлашдан озод этилади ва Сергели туманида жойлашган ер участкаси учун ҳисобланган 155100 сўм ер солиғини тўлайди.

Агар жисмоний шахс Сергели тумани давлат солиқ инспекциясига пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномасини тақдим этса, ҳисобланган 155100 сўм ер солиғини

тўлашдан озод этилади ва Шайхонтохур туманида жойлашган ер участкаси учун ҳисобланган 392400 сўм ер солиғини тўлайди.

Ушбу иккита имтиёздан бирини танлаш имкони жисмоний шахс хохишига асосан амалга оширилади.

5 - Мисол

Жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан утиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса, жисмоний шахсдан ҳар бир ой учун қанча миқдорда суғурта бадали ҳисобланади?

Ечиш:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311-моддаси 1 – банди 1 – қисмига мувофиқ, солиқ тўловчининг календар ойида ишлаган кунлари сонидан қатъий назар, якка тартибдаги тадбиркорлар суғурта бадалларини мажбурий тартибда ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда тўлайди.

Жавоб: Жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса, жисмоний шахсдан ҳар бирови учун энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, бугунги кунда 149755 сўм суғурта бадали тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311-моддаси 3-қисмида кўрсатилганидек, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга Ўзбекистон, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронилари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиқларининг аъзолари учун суғурта бадалининг миқдори унинг белгиланган миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак.

Жавоб: Агар жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан утиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, давлат солиқ инспекциясига пенсия гувоҳномаси ёки тиббий - меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномасини тақдим этса,

$149755 * 50 \% = 74877,5$ сўм миқдорида суғурта бадали ҳисобланади.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанидан тест саволлари

1.Солиқ нима?

- 1) Муйян миқдорда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтирилган мажбурий пул тўлови,
- 2) Маълум миқдорларда ундириладиган мажбурий пул тўловлари,
- 3) Давлат мақсадли жамғармаларига ундириладиган мажбурий пул тўлови,
- 4) Муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғим,

2.Мажбурий тўловлар деганда...

- 1) Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари тушунилади,
- 2) Ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар,
- 3) Давлат божи тушунилади,
- 4) Барча жавоблар тўғри,

3. Солиқ кодексига кўра солиқ тўловчилар...

- 1) Зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари,

- 2) Ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар,
- 3) Зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслар,
- 4) Қонунга ёки таъсис ҳужжатида мувофиқ солиқ тўловчининг вакили бўлишга ваколатли шахслар.

4. Солиқ кодексига кўра солиқ объекти...

- 1) Солиқ объекти – бу солиқ солинадиган даромад, оборот ёки мулк ҳисобланади,
- 2) Бу солиқ объектнинг ўлчов бирлигидир,
- 3) Объектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёридир,
- 4) Бу солиқ муносабатларида қатнашувчи.

5. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича давлатнинг ваколатли органлари тўғри келтирилган қаторни аниқланг.

- 1) Давлат солиқ хизмати органлари, божхона органлари, бошқа мажбурий тўловларни ундиришни амалга оширувчи давлат органлари,
- 2) Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги,
- 3) Мудофаа вазирлиги, Молия органлари, бошқа мажбурий тўловларни ундиришни амалга оширувчи давлат органлари,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ

6. Солиқ муносабатларининг субъектлари...

- 1) Солиқ солиш элементлари,

- 2) Солиқ тўловчилар - жисмоний ва юридик шахслар,
- 3) Солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар,
- 4) Жисмоний ва юридик шахслар.

7. Қандай шахслар юридик шахслар деб эътироф этилади?

- 1) Ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвога ва жавобга бўла оладиган ташкилот,
- 2) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ташкилот,
- 3) Ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

8. Фойда олишни фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ва даромаларини ўз қатнашчилари ўртасида тақсимламайдиган юридик шахслар...

- 1) нотижорат ташкилотлари,
- 2) тижорат ташкилотлари,
- 3) ишлаб чиқариш корхоналари,
- 4) хизмат кўрсатиш корхоналари дейилади.

9. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида яқунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами 183 кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон

Республикасида турган жисмоний шахс жисмоний шахслар ким деб эътироф этилади?

- 1) Резидент,
- 2) Норезидент,
- 3) Солиқ тўловчи,
- 4) Солиқ агенти.

10. Солиқларнинг асосий функциялари тўғри келтирилган қаторни кўрсатинг.

- 1) Фискал, тартибга солиш,
- 2) Рағбатлантириш,
- 3) Назорат, солиқни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

11. Солиқ ставкалари қандай кўринишларда ифодаланади?

- 1) Умумий ва хусусий ставкаларда,
- 2) Бевосита ва билвосита,
- 3) Қатъий ва нисбий (фоиз) ставкаларда,
- 4) Тўғри ва эгри.

12. Солиқ ставкалари солиққа тортиш объекти ўртасидаги боғлиқлик даражасига қараб солиқ ставкалари қандай турлари мавжуд?

- 1) Қатъий ва нисбий (фоиз),
- 2) Пропорционал, прогрессив ва регрессив,
- 3) Ўзгарувчан ва ўзгармас,

4) Фоизли ва фоизсиз.

13. Қонун ҳужжатларида солиқ турлари бўйича имтиёзлар асосан қандай шаклларда намоён бўлади?

- 1) Солиқдан батамом озод этиш,
- 2) Солиқдан вақтинча озод этиш,
- 3) Солиқ базасини камайтирилган тарзда белгилаш,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

14. Солиқ амалиётида солиқ ундиришнинг қандай усуллари мавжуд?

- 1) Мажбурий ва ихтиёрий,
- 2) Умумий ва хусусий,
- 3) Халқаро, минтақавий, маҳаллий,
- 4) Кадастрли, даромад манбаидан, декларация асосида.

15. Солиқ элементлари ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари тўғри келтирилган қаторни аниқланг.

- 1) Акциз солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик усун солиқ, мол-мулк солиғи,
- 2) Солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, солиқ ставкалари, солиқ даври, солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби, тўлаш тартиби,
- 3) Ижтимоий жағармаларга мажбурий тўловлар, ягона ижтимоий тўлов, республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

16. Солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдори, бу...

- 1) Солиқ ставкаси,
- 2) Солиқ даври,
- 3) Солиқ солиш объекти,

4) Солиқ солинадиган база.

17. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари, агар Солиқ кодексида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса...

- 1) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги,
- 2) Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси,
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори,
- 4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан белгиланади.

18. Бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти бу...

- 1) Солиқ солинадиган база,
- 2) Солиқ даври,
- 3) Солиқ имтиёзи,
- 4) Солиқ ставкаси,

19. У тугагандан кейин солиқ солинадиган база аниқлагандан ҳамда солиқ бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган давр бу...

- 1) Солиқ даври,
- 2) Солиқ солинадиган база,
- 3) Солиқ солиш объекти,
- 4) Солиқ ставкаси,

20. Солиқ объекти нима?

1) Солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фойизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдори,

2) Солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк ва ҳаракат,

3) Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат ва миқдори,

4) Нотўғри жавоб йўқ.

21. Фойда солиғи тўловчи юридик шахслар кимлар ҳисобланади?

1) Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари,

2) Нотижорат ташкилотлари,

3) Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганда нотижорат ташкилотлари,

4) Нотўғри жавоб йўқ.

22. Қандай даромадлар юридик шахсларнинг жами даромадлари таркибига киради?

1) Товарларни реализация қилишдан олинадиган даромадлар,

2) Мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадлар,

3) Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар,

4) Нотўғри жавоб йўқ.

23. Қандай юридик шахслар фойда солиғини тўлашдан озод қилинади?

1) Даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устaxonалари,

2) Банклар ва суғурта ташкилотлари,

3) Мобил алоқа хизматлари кўрсатувчи корхоналар.

4) Нотўғри жавоб йўқ.

24. Қўшилган қиймат солиқ солиғи объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади...

1) Корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда,

- 2) Ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум,
- 3) Солиқ солинадиган оборот ва солиқ солинадиган импорт,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

25. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деганда нима тушинилади?

- 1)Товарни ва бошқа мол-мулкни сотиш,
- 2)Устав фондига қўшилган ҳисса,
- 3)Мол-мулкни бепул бериш,
- 4)Нотўғри жавоб йўқ.

26. Солиқ қонунчилигига мувофиқ молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар таркибига нималар киради?

- 1) Акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар,
- 2) Мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар,
- 3) Валюта ҳисоб-варақлари, шунингдек, чет эл валюталаридаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

27. Акциз солиғининг асосий фарқли хусусиятларини санаб ўтинг.

- 1) Акциз истеъмолни тартибга солувчи восита ҳисобланади,
- 2) Эгри солиқлар каби акцизлар белгиланган фискал функцияни бажаради,
- 3) Табiiй монополистлардаги нархларнинг шаклланиш жараёнини тартибга солади,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

28. ҚҚС бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотига нималар киради?

- 1) Товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш),

- 2) Беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар,
- 3) Алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари,
- 4) Ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлов бўлинмалари хизматлари,

29. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

- 1) Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар,
- 2) Номоддий активлар,
- 3) Тугалланмаган қурилиш объектлари,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

30. Қуйидагиларнинг қайси бири ер солиғи тўловчилар ҳисобланади?

- 1) Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар,
- 2) Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар,
- 3) Нотижорат ташкилотлари,
- 4) Майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўللар, суғориш тармоғи ва соҳил бўйи ерлари,

31. Қуйидагиларнинг қайси бири ягона солиқ тўловчилар тоифасига кирмайди?

- 1) Акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга.
- 2) Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига.
- 3) Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга.
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

32. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади...

- 1) Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар,
- 2) Молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар,
- 3) Тугалланмаган қурилиш объектлари,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

33. Қуйидагиларнинг қайси бири ер солиғи тўловчилар бўлмайди?

- 1) Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар,
- 2) Мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар,
- 3) Эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар,
- 4) Ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар.

34. Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киради...

- 1) Электр узатиш линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар,
- 2) Умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари эгаллаган ерлар,
- 3) Ихота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

35. Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмоли солиғи амалиётга киритилган йилни аниқланг.

- 1) 2002 йил
- 2) 2001 йил

3) 2004 йил

4) 2003 йил

36. Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи солиш объектини аниқлашда жами даромаддан молиявий жарима ва пеня суммалари чегириб ташланадими?

- 1) Чегириб ташланмайди,
- 2) Чегириб ташланади,
- 3) Фақат молиявий жарима суммаси чегириб ташланади,
- 4) Фақат пеня суммаси чегириб ташланади.

37. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг алоҳида тартиби қайси давлат идораси томонидан белгиланиши мумкин?

- 1) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги,
- 2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси,
- 3) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси,
- 4) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси.

38. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш объектини кўрсатинг.

- 1) Даромад,
- 2) Ялпи тушум,
- 3) Ялпи даромад,
- 4) Фойда.

39. Қуйида қайд этилган солиқларнинг қайси бири маҳаллий солиқ ҳисобланади?

- 1) Ер солиғи,
- 2) Акциз солиғи,
- 3) Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ,
- 4) Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи.

40. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар қандай манбаларидан солиқ тўлайдилар?

- 1) Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги фаолиятлари манбаларидан,
- 2) Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги фаолиятлари манбаларидан,
- 3) Ўзбекистон Республикасида олган манбаларидан,
- 4) Солиқ тўловчининг хоҳишига кўра тўланади.

41. Солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш...

- 1) Солиқ ва тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди,
- 2) Солиқ ва тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этади,
- 3) Солиқ ва тўловларни тўлаш мажбуриятидан қисман озод этади,
- 4) Солиқ ва тўловларни тўлаш мажбуриятидан вақтинча озод этади.

42. Транспорт воситалари учун бензин,дизель ёнилғиси ва газ истеъмоли солиғи объектини аниқланг.

- 1) Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газнинг ҳақиқий суммаси,

- 2) Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газнинг ҳақиқий ҳажми,
- 3) Четдан харид қилинган ва ўзи ишлаб чиқарган ёнилғининг суммаси,
- 4) Четдан харид қилинган ёнилғининг суммаси.

43. Қуйидаги жисмоний шахслардан қайси бири ер солиғидан озод этилмаган?

- 1) Уччала даражали шуҳрат ордени билан тақдирланганлар,
- 2) Яйлов чорвачилигининг чўпонлари,
- 3) 1 ва 2- гуруҳ ногиронлари,
- 4) Ёлғиз бўлмаган, боқувчиси бор пенсионерлар.

44. 1 ва 2- гуруҳ ногиронлари учун даромад солиғи бўйича қандай имтиёз кўзда тутилган?

- 1) Солиққа тортиладиган даромад 50 фоизга камайтирилади,
- 2) Ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида камайтирилади,
- 3) Солиққа тортиладиган даромад 50 фоизга камайтирилади,
- 4) Солиққа тортиладиган даромад 30 фоизга камайтирилади.

45. Жисмоний шахслар маҳаллий солиқларни қандай шаклда тўлайдилар?

- 1) Нақд пулсиз шаклда,
- 2) Натура шаклида,
- 3) Нақд пул шаклида,
- 4) Нақд пул ва нақд пулсиз шаклда.

46. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этишдан мақсад нима?

- 1) Сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш,
- 2) Давлат бюджетини молиявий маблағлар билан таъминлаш ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш,
- 3) Маҳаллий бюджет даромадларини молиявий ресурс билан таъминлаш,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

47. Қуйидагиларнинг қайси бири солиқ объекти бўла олади?

- 1) Корхона ва ташкилотларнинг смета режаси,
- 2) Кредиторлик қарзлари,
- 3) Бюджет субсидиялари,
- 4) Корхона ва ташкилотларнинг фойда (даромади).

48. Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадига қандай даромадлар киради?

- 1) Фоизлар, дивидендлар ва мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар,
- 2) Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромадлар,
- 3) Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

49. Қўшилган қиймат солиғининг солиққа тортиш объекти нима?

- 1) Муомала харажатлари,
- 2) Ишлаб чиқариш таннари,

3) Товар (иш, хизматлар) сотилишига доир оборотлар ҳамда товар (иш, хизматлар) импорти,

4) Солиқ тўлангунга қадар молиявий натижа.

50. Почта маркалари, маркали открыткалар ва конвертлар сотиш қўшилган қиймат солиғига тортиладими?

1) 20 фоизли ставкада солиққа тортилади,

2) Қўшилган қиймат солиғидан озод этилади,

3) Ноллик ставка бўйича тортилади,

4) Камайтирилган ставкалар қўлланилади.

51. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчиларини аниқланг.

1) Барча юридик шахслар,

2) Жисмоний шахслар,

3) Фойдали қазилмалар қазиб олувчи ва уларни қайта ишлашни амалга ошираётган ер қаъридан фойдаланувчилар,

4) Юридик ва жисмоний шахслар.

52. Қуйидагиларнинг қайси бири ялпи даромад солиғи тўловчилар ҳисобланади?

1) Жисмоний шахслар,

2) Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари,

3) Банклар ва суғурта компаниялари,

4) Акцизоти товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар.

53. Юридик шахс ўз фаолиятида рўйхатдан ўтган тумандан бошқа тумандаги сув ресурсларидан фойдаланганида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни қайси солиқ органига тўлайди?

- 1) Рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органига,
- 2) Давлат солиқ қўмитасига,
- 3) Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олиниш жойидан қатъий назар сувдан фойдаланиш жойидаги солиқ хизмати органига,
- 4) Рўйхатдан ўтган давлат солиқ хизмати органи билан сувдан фойдаланиш жойидаги солиқ хизмати органига келишувига мувофиқ.

54. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари тўғри келтирилган қаторни аниқланг.

- 1) Солиқ солишнинг адолатлилиги,
- 2) Солиқ солишнинг аниқлиги,
- 3) Солиқ тизимининг ягоналиги,
- 4) Барча жавоблар тўғри

55. Солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш бўйича ваколатли органлар тўғри келтирилган қаторни аниқланг.

- 1) Божхона органлари,
- 2) Давлат солиқ хизмати органлари,
- 3) Молия органлари,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

56. Солиқ муносабатларининг субъектлари кимлар?

- 1) Ички ишлар вазирлиги,
- 2) Прокуратура органлари,

3) Солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар,

4) Нотўғри жавоб йўқ.

57. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари деб қуйидагилар эътироф этилади...

1) Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс,

2) Дипломатик ёки консуллик мақомига эга бўлган шахс,

3) Халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги бўлимлари,

4) Бош корхонаси Ўзбекистондан ташқарида жойлашган юридик шахс.

58. Ходимнинг асосий иш жойи деб қуйидаги ҳисобланади...

1) Ўриндошлик асосида меҳнат фаолияти юритилаётган иш жойи,

2) Соатбай ҳақ эвазига фаолият юритилган иш жойи,

3) Қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимнинг меҳнат дафтарчаси юритилиши шарт бўлган жойи,

4) Нотўғри жавоб йўқ.

59. Солиқ кодексига кўра қуйидагиларнинг қайси бири бошқа мажбурий тўловлар таркибига қирмайди?

1) Мол-мулк солиғи,

2) Давлат божи,

3) Ягона ижтимоий тўлов,

4) Божхона божи.

60. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари қуйидагилар...

1) Солиқ солиш объекти,

- 2) Солиқ даври,
- 3) Солиқ солинадиган база,
- 4) Барча жавоблар тўғри

61. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари нималардан иборат?

- 1) Давлат солиқ хизмати органларига имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш,
- 2) Ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш,
- 3) Қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботини тузиш,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

62. Жисмоний шахсларнинг солиқ мажбурияти қайси ҳолларда тугатилади?

- 1) Унинг бошқа жойга кўчиб кетиш муносабати билан,
- 2) Солиқ мажбурияти тугатилмайди,
- 3) Уни вафот этганлиги тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кириши билан,
- 4) Уни бошқа меҳнат фаолияти билан шуғулланиши муносабати билан.

63. Солиқ тўловлари бўйича тўловчилар томонидан ортиқча тўланса, ортиқча тўланган сумма қуйидаги кетма-кетликда ҳисобга олинади...

- 1) Бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига,
- 2) Мазкур солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига,
- 3) Бошқа турдаги солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

64. Қўйидагиларнинг қайси бири солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларига киради?

- 1) Солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш,
- 2) Ундиручи солиқ тўловчига унинг қарздорлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратиш,
- 3) Ундирувчи солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

65. Корхона, ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги харажатларига қўйидагилар киради...

- 1) Кўп йил ишлаганлиги учун пул мукофоти,
- 2) Йиллик иш якунлари бўйича мукофот,
- 3) Илмий даража ва фахрий унвон учун устамалар,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

66. Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларига қўйидагилар киради...

- 1) Ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш,
- 2) Оғир ва ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлиги учун бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш,
- 3) Мол-мулкни ижарага беришдан олинadиган даромадлар,
- 4) Донорлик учун пул мукофотлари.

67. Солиқ текширувлари қўйидаги турларга бўлинади...

- 1) Режали солиқ текширувлари,

- 2) Режадан ташқари солиқ текширувлари,
- 3) Муқобил текширув,
- 4) Барча жавоблар тўғри.

68. Солиқ тўловчи жисмоний шахснинг жавобгарлиги неча ёшдан бошлаб вужудга келади?

- 1) 16 ёшдан,
- 2) 18 ёшдан,
- 3) 20 ёшдан,
- 4) Ёшдан қатъий назар.

69. Қуйидагиларнинг қайси бири рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар таркибига киради?

- 1) Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар,
- 2) Кўп йил ишлаганлиги учун пул мукофотлари,
- 3) Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш,
- 4) Таътилга қўшимча ҳақ тўлаш.

70. Декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга қуйидагилар киради...

- 1) Мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларига устамалар,
- 2) Кўп йил ишлаганлик учун пул мукофотлари,
- 3) Асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар,
- 4) Моддий ёрдам суммалари.

71. Акциз солиғи ставкалари қандай кўринишларда белгиланади?

- 1) Товар қийматига нисбатан фоизларда ва натурада ифодаланган ўлчов бирлигида,
- 2) Товар қийматига нисбатан сўмлардаги ўлчов бирлигида,
- 3) Товар қийматига нисбатан фақат фоизлардаги ўлчов бирлигида,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

72. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидагилар озод этилади...

- 1) Сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар,
- 2) Дори воситалари тайёрлаш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига,
- 3) Гидроэлектр станциялари гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажмига,
- 4) Барча жавоблар тўғри

73. Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади...

- 1) Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар,
- 2) Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар,
- 3) Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар,
- 4) Барча жавоблар тўғри.

74. Агар такдим этилган ер участкаларидан фойдаланилмаса солиқлар қандай тўланади?

- 1) Ер участкасининг фойдаланишлигидан қатъи назар ер солиғи тўланади,

- 2) Ердан фойдаланилмаса ер солиғи тўлашдан озод этилади,
- 3) Фойдаланилган даврдан бошлаб тўланади,
- 4) Барча жавоблар тўғри.

75. Қуйидагилар ер солиғи тўловчилар ҳисобланмайдилар...

- 1) Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар,
- 2) Ягона солиқ тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар,
- 3) Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

76. Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради...

- 1) Сув фонди ерлари,
- 2) Табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар,
- 3) Темир йўлларнинг умумий тармоғи ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар,
- 4) Барча жавоблар тўғри.

77. Фуқаролар ер солиғини нотўғри ҳисобланиши бўйича жавобгарликка тортиладими?

- 1) Жавобгарликка тортилади,
- 2) Жавобгарликка тортилмайди,
- 3) Солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланади,
- 4) Фуқаролик кодексига мувофиқ белгиланади.

78. Қуйида кўрсатилган солиқларнинг қайси бири эгри солиқлар қаторига киради?

- 1) Мол-мулк солиғи,
- 2) Даромад (фойда) солиғи,
- 3) Акциз солиғи,
- 4) Ер солиғи.

79. Ягона солиқ тўлови қуйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди...

- 1) Акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга,
- 2) Микрофирмалар ва кичик корхоналарга,
- 3) Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига,
- 4) Лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахсларга.

80. Кичик корхоналар учун солиқ солиш мақсадида ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади...

- 1) Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун - товар обороти,
- 2) Мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси,
- 3) Лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун - ўйин чипталарини уларда кўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум,
- 4) Барча жавоблар тўғри.

81. Қўйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўлмайди...

- 1) Товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш),
- 2) Мол-мулкни бепул бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш),
- 3) Тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни жўнатиш,
- 4) Солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши.

82. Қўшилган қиймат солиғидан қўйидаги реализация қилиш оборотлари озод этилади...

- 1) Беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар,
- 2) Аҳолини электр энергияси билан таъминлаш,
- 3) Китоб маҳсулотлари, мактаб ўқув қуроллари ва кўргазмали қўлланмаларнинг, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи савдоси,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

83. Қўйидагиларнинг қайси бири ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар таркибига киради?

- 1) Акциз солиғи,
- 2) Ягона ижтимоий тўлов,
- 3) Ягона ер солиғи,
- 4) Мол-мулк солиғи.

84. Қўйидагиларнинг қайси бири нотижорат ташкилотлари ҳисобланади?

- 1) Банклар ва суғурта компаниялари,
- 2) Лизинг компаниялари
- 3) Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

85. Солиқ кодексига кўра доимий муассаса деганда қуйидагилар тушинилади...

- 1) Товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, бутлаш ва қадоқлаш билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай жой,
- 2) Табиий ресурсларни қазиб олиш билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай шахта ва кон,
- 3) Ўйин автоматлари, компьютер тармоқлари ва алоқа каналлари билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай жой,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

86. Солиқ кодексига кўра солиқ қарзи деганда нима тушинилади?

- 1) Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси,
- 2) Корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро қарздорлик,
- 3) Жисмоний шахсларнинг коммунал тўловлар бўйича қарздорлиги,
- 4) Нотўғри жавоб йўқ.

87. Юридик шахснинг солиқ мажбурияти қуйидаги ҳолларда тугатилади...

- 1) У тугатилгандан кейин,
- 2) У қўшиб олиш орқали қайта ташкил этилгандан кейин,

3) У қўшиб юбориш, бўлиш ва ўзгартириш орқали қайта ташкил этилгандан кейин,

4) Нотўғри жавоб йўқ.

88. Қайси орган солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш ваколатига эга?

1) Солиқ органи,

2) Прокуратура органи,

3) Суд қарори асосида,

4) Ҳеч қайси орган ваколатга эга эмас.

89. Солиқ текширувида кимларнинг холислар сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайди?

1) Давлат солиқ хизмати органларини,

2) Вояга етган жисмоний шахсларни,

3) Юридик шахсларни,

4) Барча жавоблар тўғри.

90. Солиқ кодексига кўра қуйидагилар амортизация қилинмайди...

1) Кутубхона фонди ва музей қимматликлари,

2) Бинолар ва иморотлар,

3) Дамбалар, тўғонлар,

4) Иссиқхоналар ва парниклар.

91. Жисмоний шахсларнинг рағбатлантириш хусусиятига эга тўловларга нималар киради?

1) Илмий даража ва фахрий унвон учун қўшимча тўловлар,

2) Тунги вақтда ва дам олиш кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига устамалар,

3) Йиллик иш якунлари бўйича мукофотлар,

4) Ходимни айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш.

92. Қуйидагиларнинг қайси бири корхонанинг мақсадли жамғармаларга ўтказадиган мажбурий тўловлари ҳисобланади?

1) Қўшилган қиймат солиғи,

2) Ягона ижтимоий тўлов,

3) Давлат божи,

4) Ер солиғи.

93. Қуйидагиларнинг қайси бири ягона солиқ тўлови тўловчилар ҳисобланади?

1) Юридик шахслар,

2) Жисмоний шахслар,

3) Банклар ва суғурта компаниялари,

4) Микрофирма ва кичик корхоналар (шу жумладан, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари)

94. Жисмоний шахслар томонидан ер солиғи қайси муддатларда тўланади?

1) Жорий йилнинг 1 ноябрига қадар,

2) Солиқ тенг улушларда жорий йилнинг 15 июни ва 15 декабрига қадар,

3) Жорий йилнинг 15 декабрига қадар,

4) Жорий йилнинг 1 майига қадар.

95. Жазони ижро этувчи муассасалар фойда солиғига тортиладими?

- 1) 18 фоизли ставкада солиққа тортилади,
- 2) Фойда солиғидан озод этилади,
- 3) 35 фоизли ставкада солиққа тортилади,
- 4) 3 йил муддатда солиқдан озод этилади.

96. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базасини аниқланг.

- 1) Ер усти манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми,
- 2) Ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми,
- 3) Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми,
- 4) Чучук сув манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми.

97. Солиқ органлари томонидан мол-мулк солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари жисмоний шахсларга қайси муддатдан кечиктирилмай топширилиши шарт?

- 1) Жорий йилнинг 1 майигача,
- 2) Жорий йилнинг 25 апрелигача
- 3) Жорий йилнинг 15 июнигача
- 4) Жорий йилнинг 1 июлигача

98. Қандай жисмоний шахслар мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилган?

- 1) Тиббиёт ходимлари,
- 2) Маданият ва халқ таълими ходимлари,
- 3) 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари,

4) Оғир меҳнат шароитида ишловчилар.

99. Акциз солиғи қуйидагиларнинг қайсиларига солинмайди?

- 1) Акциз тўланадиган товарларнинг экспортига,
- 2) Акциз тўланадиган товарларнинг импортига,
- 3) Берилган хом ашёдан тайёрланган маҳсулотга,
- 4) Вино ва виноматериалларига.

100. Ўзбекистон резидентлари бўлган жисмоний шахслар жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларацияни қайси санагача доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этишлари лозим?

- 1) 1 октябрь
- 2) 1 май
- 3) 1 июнь
- 4) 1 апрель

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанидан
тест саволларининг жавоблари

1.	1	26.	4	51.	3	76.	4
2.	4	27.	4	52.	2	77.	2
3.	1	28.	1	53.	3	78.	3
4.	1	29.	4	54.	4	79.	1
5.	1	30.	1	55.	4	80.	4
6.	2	31.	1	56.	3	81.	4
7.	4	32.	4	57.	1	82.	4
8.	1	33.	1	58.	3	83.	2
9.	1	34.	4	59.	1	84.	3
10.	1	35.	1	60.	4	85.	4
11.	3	36.	1	61.	4	86.	1
12.	2	37.	2	62.	3	87.	4
13.	4	38.	3	63.	4	88.	3
14.	4	39.	1	64.	4	89.	1
15.	2	40.	3	65.	4	90.	1
16.	1	41.	1	66.	3	91.	3
17.	3	42.	2	67.	4	92.	2
18.	3	43.	4	68.	1	93.	4
19.	1	44.	2	69.	2	94.	2
20.	2	45.	4	70.	3	95.	2
21.	1	46.	2	71.	1	96.	3
22.	4	47.	4	72.	4	97.	1
23.	1	48.	1	73.	4	98.	3

24.	3	49.	3	74.	1	99.	1
25.	4	50.	2	75.	3	100.	4

Солиқ атамалари

Амортизация – келгусида асосий фондаларни тўлиқ қайта тиклаш учун пул маблағларини жамғариш ва уларнинг қийматини тиклаш мақсадида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматга асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматининг уларнинг эскиришига қараб ўзлуксиз ўтказиш жараёни. Ишлаб чиқариш жараёни ва ташқи муҳитнинг таъсири натижасида асосий фондлар аста-секинлик билан эскиради, уларнинг моддий ва маънавий эскириши содир бўлади.

Адвалор солиқ – товар қийматига нисбатан қатъий фоиз ставкасида ўрнатилган тўлов. Инфляция шароитида ўзининг функцияларини автоматик равишда сақлаб қолади. Бу солиқнинг таркибига савдо солиқлари, иморатга нисбатан кўпгина пошлиналар ва бошқалар киритилиши мумкин. Товарларни (импорт товарларни ҳам) жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларини солиққа тортишда қўлланилади.

Баланс қиймати - бухгалтерия балансида асосий фондлар ва айланма маблағларнинг пулда ифодаланган баҳоси.

Баланс фойда – маҳсулот таннархига киритиладиган барча харажатлар ва чиқимлар ҳамда мажбурий тўловлар чегирилганидан сўнгги корхона ялпи даромадининг қисми. Баланс фойда солиққа тортулгунча қадар бўлган ялпи фойдадир.

Бюджетдан ташқари фондлар – а) ижтимоий: ижтимоий суғурта фонди, пенсия фонди, бандлик фонди; б) иқтисодий: йўл фонди, бошқа фондлардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси бюджет тизимида жамланади.

Бюджет дотацияси – ўз даромадлари ва бюджет томонидан тартибга солинадиган барча маблағлар етишмаган ҳолда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга текинга (ҳақ олмай) ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет профицити - муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси.

Бюджет ссудаси – юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёки республика бюджетдан резидент – юридик шахсга ёки хориж давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ.

Бюджет тизими – турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, уларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, шунингдек бюджет жараёнида пайдо бўладиган улар ўртасида ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Бюджет субвенцияси – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда маълум мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга текинги (ҳақ олмай) ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет ташкилотлари – давлат бюджетида унга зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлган бюджетдан маблағ ажратиш назарда тутилган вазирлик, длат қўмитаси, идора ҳамда давлат ташкилоти.

Бюджети тақчиллиги (дефицити, камомади) – муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.

Бюджет трансферти – бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёки ваколотли орган орқали ҳақ олмай (текинга) ажратиладиган пул маблағлари.

Боқиманда – белгиланган муддатда ўтказилмаган ва сўзсиз ундирилиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг суммаси.

Бож декларацияси - миллий қонунчиликнинг талабларига мувофиқ расмийлаштирилган, ўзига чегарадан ўтаётган юклар (экспорт ёки импорт қилинаётган товарлар, йўловчи юки, унинг қўлидаги юки, бойликлар ва валюталар) тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган ҳужжат. Бу ҳужжат юкни давлат чегараси орқали ўтказиб юришда асос бўлиб ҳисобланади.

Давлат бюджети даромадлари – ўз таркибига қуйидагиларни олади:

- 1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар, шунингдек мажбурий тўловлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тушумлар; 2) давлатнинг молиявий активлари ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотишга берилишидан олинган даромадлар; 3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; 4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек хорижий давлатлардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 5) резидент-юридик шахсларша ва хорижий давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар; 6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Давлат бюджетининг касса ижроси – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини тижорат банклари Марказий банкнинг топшириғига биноан бажаради.

Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли фондлари маблағларининг) марказлаштирилган фонди бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия

йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат ички қарзлари - давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳукумат мажбуриятларининг йиғиндиси.

Давлатнинг ташқи қарзи – давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳукумат мажбуриятларининг йиғиндиси.

Давлат қарзи – давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳукумат мажбуриятларининг йиғиндиси.

Даромадлар тўғрисида декларация – Дивидентлар – тақсимлашга мўлжалланган акционерларнинг соф фойдаси (даромади); акционерлик жамияти ёки корхона соф фойдасидан ҳар бир акция учун акционерларга маълум даврдан сўнг (ҳар йили, айрим ҳолларда – ҳар чоракда) тўланадиган даромад.

Дотация – давлат бюджетидан қайтарилмайдиган тартибда бериладиган пул маблағлари.

Даромаддан олинадиган солиқ – фойда солиғидан ташқари акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлари бўйича (давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматбаҳо қоғозлари бўйича олинган даромадлардан ташқари) олинган дивидентлар ва фоизлардан, казинолар, видеосалонларнинг даромадларидан, ўйин автоматларининг даромадларидан, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказишдан олинган даромадлардан корхона ва ташкилотлар томонидан тўланади.

Иккиёқлама солиққа тортиш – 1. Турли солиқларни даромад (капитал)нинг ягона манбаидан олиниши; 2. Қўшма корхона хорижий иштирокчисининг фойдасини хорижга ўтказиладиган пайтда солиққа тортиш ва ҳудди шу фойдани хорижий иштирокчи мамлакатада солиққа тортилиши;

3. Соф фойда (даромад) (корпорациялар фойдаси) в ундан тўланидиган дивидентларни улар шахсий даромадга айланаётган пайтда солиққа тортиш. Бошқа мамлакатда тўланган солиқларни бу мамлакатда ҳисобга олиш ёки бир мамлакатдаги солиққа тортиш манбаини иккинчи мамлакатда олиққа тортишдан озод қилиш йўли билан икки марта солиққа тортишдан қутилиш мумкин.

Имтиёз - маълум бир мажбуриятларни бажаришдан қисман (ёки тўлиқ) озод этиш, маълум бир афзалликларга (қулайликларга) эга бўлиш, масалан, солиқ имтиёзига.

Экспорт-импорт солиғи – солиққа тортишнинг кўринишларидан бири; ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш воситаси (чораси). Солиққа тортиш объекти бўлиб белгиланган курс бўйича миллий валютада ҳисобланган товарларнинг бож қиймати ёки оғирлик ва миқдор бирликларида ифодаланган товарларнинг сони ҳисобланади.

Импорт солиғи – бир неча мамлакатлардаги солиқлар гуруҳи, даромад сарф қилинаётган пайтда олинади. Қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар анна шундай солиқ таркибига киради. Бож тўловларини ҳам истеъмол солиқлари қаторига киритиш мумкин. Бу солиқларнинг айримлари давлат фойдасига олинса, бошқа бир қисми маҳаллий бюджетларга бориб тушади.

Йиғимлар – қонун актларига мувофиқ белгиланган тартибда ва шартларда тўловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқари фондларга ўтказиладиган мажбурий бадаллар. Уларнинг таркибига савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотраспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар киради.

Моддий харажатлар - хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ёқилғи, энергия ва бошқа харажатлардан иборат. Моддий ресурсларнинг қиймати уларни сотиб олиш баҳоси (қўшилган қиймат солиғисиз), таъминот ва ташқи иқтисодий ташкилотларга тўланадиган устамалар, комиссиян мукофотлар, бож тўловлари, товарлар биржасининг хизмат қийматлари, ташиш, сақлаш ва етказиб бериш ҳақларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Муомала харажатлари – товарлар муомаласи жараёнига хизмат қилувчи харажатлардан иборат. Бу харажатларлар икки кўринишда бўлиши мумкин; 1) олди-сотди жараёни билан боғлиқ бўлган харажатлар (соф муомала харажатлари); 2) ишлаб чиқариш жараёнининг муомала соҳасида ҳам давом этиши билан боғлиқ бўлган харажатлар (товарларни сақлаш, ортиб жўнатиш, қадоқлаш ва бошқалар). Муомала харажатлари мутлоқ суммаларда ва товар-айланмага нисбатан фоизда ижтимоий зарурий харажатлар чегарасида (доирасида) режалаштирилади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар – маҳаллий бюджетга олинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбурий тўловлари. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради: мол-мулк солиғи, ер солиғи, савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим.

Маҳаллий бюджет - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромад манбалари ва уларнинг тушумлари миқдори, шунингдек, молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Маъмурий жавобгарлик – маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун фуқаролар ва мансабдор шахслар юридик жавобгарлигининг шаклларида бири.

Ортиқча тўловлар – тўловнинг бюджетга тушган ортиқча суммаси. Одатда солиқ тўловчининг бошқа тўловлар бўйича мавжуд бўлган боқимондаларини узиш учун ҳисобга олинади ва бу тўғрида унга маълум қилинади ёки молия органининг қарори нусхаси ва банкнинг тегишли кўчирмаси асосида солиқ тўловчига қайтарилади.

Прогрессив солиқ - солиққа тортиш базасининг ошиши билан солиқ ставкасининг кўтарилиши билан характерланади. Амалиётда прогрессив солиқларнинг орасида энг кўп учрайдигани жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган солиғидир.

Пропорционал солиқ – солиқ шаклида олинishi мумкин бўлган сумма солиққа тортиш базасининг ўлчамига (миқдори, ҳажмига) пропорционалдир. Бу солиқ ягона ставкали солиқлар жумласига киради.

Пропорционал солиққа тортиш – солиқнинг ставкаси солиқ тўловчи даромадининг ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг даромадига нисбатан фоизда ўрнатилади (ҚҚС).

Пеня – фуқаролик ҳуқуқида жазо чораларининг (жарималарнинг) кўринишларидан бири, қонун ёки шартномага мувофиқ тўловлар муддатини бузганлик учун ундириладиган молиявий жазонинг шакли. Унинг миқдори қонунга кўра тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун тўланиши лозим бўлган суммага нисбатан фоизда белгиланади. Корхона томонидан тўланган пеня суммаси ноишлаб чиқариш харажатларининг таркибига киритилади.

Преференция – инвестицион ва инновацион харажатларни молиялаштириш учун инвестицион солиқ кредити ва мақсадли солиқ имтиёзи кўринишида белгиланган (ўрнатилган) имтиёз, афзаллик.

Регрессив солиқ – солиққа тортиладиган даромаднинг ошиши билан солиқ ставкасининг пасайиши билан характерланади. Бундай солиқлар тоифасига, хусусан, эгри (билвосита) солиқларни киритиш мумкин.

Регрессив солиққа тортиш - солиқ асоси (базаси)нинг ўсиб бориши билан солиқ ставкасининг пасайишини тақозо этади. Солиқ ундириш оғирлиги даромадга тескари пропорционалдир. Даромад канча кам бўлса, солиқ тўловчи учун солиқнинг оғирлиги шунча оғирдир. Ҳозирги пайтда кўшилган қиймат солиғининг жорий этилиши билан эгри (билвосита) солиқларнинг регрессивлиги кучайиб бормоқда.

Резидентлар – календарь йилида мамлакатда 183 кун ва ундан кўп муддатда яшаган, Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлган ва бўлмаган солиқ тўловчилар (шу мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида олинганлари ҳам) шу мамлакатда солиққа тортилиши шарт.

Республика бюджети - Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Солиқ органлари – солиқ қонунчилигига риоя қилиш, мамлакатнинг қонунларига мувофиқ белгиланган (ўрнатилган) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши устидан назоратни таъминловчи ягона мустақил марказлаштирилган тизим. Давлат солиқ қумитасининг ягона тизимида қиравчи солиқ органлари давлат бошқарувининг марказий органи (Давлат солиқ қўмитаси), вилоят солиқ бошқармалари ҳамда туман ва шаҳар солиқ инспекцияларидан иборатдир. Солиқ органлари юридик шахс ҳисобланиб, ўз номига ўзларининг мустақил харажатлар сметасига, банклардаги жорий счётига ва ўз муҳрига эгадир.

Солиқ оғирлиги (юки) – давлат ва жамият ҳаётида солиқларнинг ролини характерлаб (кўрсатиб) берадиган энг умумлашган кўрсаткич. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва даромадларда солиқ ажратмаларининг салмоғини (ҳиссасини) кўрсатувчи ўлчам.

Солиқ ставкаси – солиққа тортиш бирлигига тўғри келувчи солиқнинг ҳажми (миқдори, даражаси). Қатъий солиқ ставкалари даромадларга боғлиқ бўлмаган ҳолда солиққа тортиш бирлигига нисбатан мутлоқ суммаларида ўрнатилади.

Солиқ тизими - мамлакат доирасида (худудида) тўловлардан (юридик ва жисмоний шахслардан) белгиланган тартибда олинадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар ҳамда улар таркибий тузилишининг шакли ва услублари йиғиндиси.

Солиқ қонунчилиги – давлатда солиқларнинг тури, уларни ундириш механизми ва солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши, ўзгариши ва тўхтатишини тартибга солиб турувчи юридик меъёрлар йиғиндиси, молиявий ҳуқуқ институти. Солиқ ҳуқуқи давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши (қурилиши), унинг вазифа ва функциялари билан белгиланади.

Солиқ тушумлари - Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджет даромадлари ва харажатлари классификациясининг даромадлари қисмидаги ҳар бир солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга мўлжалланган қисми, банд, код ва моддага мувофиқ ваколотли банкларнинг ҳисоб-китоб рақами ёзиладиган, ҳисобланган ва ҳақиқатда келиб тушган солиқ бадаллари (тўловлари) ва молиявий санкциялар миқдори.

Солиқ ҳисоб-китоблари – юридик шахслар томонидан қонунда кўзда тутилган муддатларда бухгалтерия ҳисоботи билан биргаликда солиқ органларига тақдим этилиб, ўзида маъулм ҳисобот даври мобайнида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган тўловлар суммасини акс эттиради.

Солиқ суммаларини ҳисоблаш тартиби солиқ қонунчилигига кўра ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида-алоҳида белгиланган.

Солиқ назорати - юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш устидан назорат.

Солиққа тортиш объектлари – қонунга мувофиқ фойда (даромад), маълум бир товарлар қиймати, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, мол-мулкни бериш, (мерос, тақдим этиш), қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар, фаолиятнинг айрим турлари ва бошқалардан иборат. Солиққа тортишнинг бир объекти бир турдаги солиқ билан белгиланган муддатда (ой, чорак, ярим йил, йил) бир марта солиққа тортилиши мумкин.

Солиққа тортиш принциплари – солиқ сиёсатини амалга оширишни белгилаб берадиган ва солиқлар бўйича бюджет топшириқларини тузиш орқали реализация қилинадиган мустаҳкам ўрнашиб қолган қоидалар йиғиндиси.

Солиқ элементлари – давлатнинг қонун ҳужжатлари асосида аниқланган солиқларнинг тузилиши (қурилиши) тамойиллари ва уларни ундиришни ташкил қилиш, солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ўзида акс эттиради.

**Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг
2016-2017 йиллардаги асосий ставкалари тўғрисида**

ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛ

№	Солиқ ва бошқа мажбурий тўлов тури	2016 йил	2017 йил	Фарқи
ЮРИДИК ШАХСЛАР БЎЙИЧА				
1.	Фойда солиғи (асосий ставка)	7,5 фоиз	7,5 фоиз	Ўзгаришсиз
	тижорат банклари учун	15 фоиз	15 фоиз	Ўзгаришсиз
2.	Қўшилган қиймат солиғи	20 фоиз	20 фоиз	Ўзгаришсиз
3.	Ягона солиқ тўлови (асосий ставка)	5 фоиз	5 фоиз	Ўзгаришсиз
	Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар ҳамда ломбардлар,	30	30	Ўзгаришсиз
	Тайёрлов ташкилотлари	33 фоиз	33 фоиз	Ўзгаришсиз
	Фаолиятни юритиш жойидан қатъи назар бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ, шунингдек алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини сотувчи чакана савдо корхоналари товар оборотига нисбаттан	4 фоиз	4 фоиз	Ўзгаришсиз
	умумий овқатланиш корхоналари	10 фоиз	10 фоиз	Ўзгаришсиз
	улардан: умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	8 фоиз	8 фоиз	Ўзгаришсиз
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда чакана савдо корхоналари	4 фоиз	4 фоиз	Ўзгаришсиз
	бошқа аҳоли пунктларида чакана савдо корхоналари	2 фоиз	2 фоиз	Ўзгаришсиз
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда чакана савдо корхоналари	1 фоиз	1 фоиз	Ўзгаришсиз

№	Солиқ ва бошқа мажбурий тўлов тури	2016 йил	2017 йил	Фарқи
	Улгуржи ҳамда улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи корхоналар (улгуржи ва чакана дорихоналардан ташқари)	5 фоиз	5 фоиз	ўзгаришсиз
4.	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган, айрим товарларга нисбатан акциз солиғи			
	этил спирти (1 дал учун)	5020 сўм	6275 сўм	(1,25 бар.ош Ган)
	табiiй равишда ачитилган натурал винолар (1 дал учун)	6055 сўм	6358 сўм	(1,05 бар.ош Ган)
	бошқа винолар (1 дал учун)	8333 сўм	10000 сўм	(1,20 бар.ош Ган)
	Коньяк	45878 сўм	58265 сўм	(1,27 бар.ош Ган)
	ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар (1 дал тайёр махс. учун)	43246 сўм	54057 сўм	(1,25 бар. ошган)
	пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун)	5133 сўм	6416 сўм	(1,25 бар. ошган)
	ўсимлик (пахта) ёғи (1 тонна учун):			
	озиқ-овқат ёғи	919448 сўм	919448 сўм	Ўзгаришсиз
	техник мой	505773 сўм	505773 сўм	Ўзгаришсиз
	филтрли ва филтрсиз сигареталар, папирослар (1 минг дона учун)	28794 сўм	37432 сўм	(1,30 бар. ошган)
5.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлар ва махсус тўловлар	2017 йилда ставкалар ўзгариши кутилмаяпти		
	Уяли алоқа операторлари учун фойда солиғи:	табақалаштирилган ставка		
	рентабеллик даражаси 20 фоизгача	7,5%	7,5%	Ўзгаришсиз
	рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори	50%	50%	
6.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 куб. метр учун		
	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари (электр станциялари, коммунал хизмат кўрсатиш ва алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи	ер усти 71,2 сўм ер ости 90,4 сўм	ер усти 85,4 сўм ер ости 108,5 сўм	(1,20 бар. ошган)

№	Солиқ ва бошқа мажбурий тўлов тури	2016 йил	2017 йил	Фарқи
	корхоналардан ташқари), деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар), шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланадиган жисмоний шахслар			
	алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш учун фойдаланилган сув ҳажми бўйича 1 куб. метр учун	Ер усти 11 500 сўм ер ости 11 500 сўм	ер усти 13 800сўм ер усти 13 800сўм	(1,20 бар. ошиган)
	бошқа мақсадларда ишлатилган 1 куб. метр сув учун	ер усти 71,2 сўм ер усти 90,4 сўм	ер усти 85,4 сўм ер усти 108,5 сўм	(1,20 бар. ошиган)
7.	Юридик шахслар мол-мулк солиғи	5 фоиз	5 фоиз	Ўзгаришсиз
8.	Ер солиғи	2017 йилда 1,15 бараварга оширилмоқда (2016 йилда ҳам 1,15 бараварга ошган)		
9.	Ягона ер солиғи	Ернинг норматив қийматига нисбатан		
		0,95 фоиз	0,95 фоиз	Ўзгаришсиз
10.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	8 фоиз	8 фоиз	Ўзгаришсиз
11.	Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ			
	бензин ёқилғиси (1 литр)	1 литрга 335 сўм	1 литрга 465 сўм	(1,39 бар.ошиган)
	дизель ёқилғиси (1 литр)	1 литрга 335 сўм	1 литрга 465 сўм	(1,39 бар.ош Ган)
	суюлтирилган газ 1 литр учун	230 сўм	230 сўм	Ўзгаришсиз
	сиқилган газ 1 куб. метр учун	275 сўм	275 сўм	Ўзгаришсиз
12.	Бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар			
	Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар	1,6%	1,6%	Ўзгаришсиз
	Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар	1,4%	1,4%	Ўзгаришсиз
	Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш,	0,5%	0,5%	ўзгаришсиз

№	Солиқ ва бошқа мажбурий тўлов тури	2016 йил	2017 йил	Фарқи
	мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар			
13.	Ягона ижтимоий тўлов			
	Микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун	15 фоиз	15 фоиз	Ўзгаришсиз
	бошқа тўловчилар учун	25 фоиз	25 фоиз	Ўзгаришсиз
14.	Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали	7,5 фоиз	8 фоиз	+0,5% пункт
15.	Мобил алоқа хизмати кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов ҳақи	1500 сўм	2000 сўм	(1,3 баравар га ошган)
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР БЎЙИЧА				
16.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи			
	энг кам иш ҳақининг (ЭКИХ) 1 бараваригача миқдорда	0 фоиз	0 фоиз	Ўзгаришсиз
	ЭКИХ нинг 1 бараваридан 5 бараваригача	7,5 фоиз	7,5 фоиз	Ўзгаришсиз
	ЭКИХ нинг 5 бараваридан 10 бараваригача	17 фоиз	17 фоиз	Ўзгаришсиз
	ЭКИХ нинг 10 бараваридан юқориси	23 фоиз	23 фоиз	Ўзгаришсиз
17.	Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадларга солиқ	10 фоиз	10 фоиз	Ўзгаришсиз
18.	Якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	Энг кам иш ҳақиға қаррали миқдорларда		
	Фаолият тури	Тошкент шаҳри	Нукус ш. ва вилоят бўйсунувидаг и шаҳарлар	бошқа аҳоли пунктлари
	Чакана савдо:			

№	Солиқ ва бошқа мажбурий тўлов тури	2016 йил	2017 йил	Фарқи
	озик-овқат товарларини сотиш	9,0	6,0	3,0
	деҳқон бозорларида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш (уй хўжалиги, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган айрим маҳсулотлардан ташқари)	5,0	4,0	2,0
	ноозик-овқат товарларини сотиш	10,0	6,5	3,0
	газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотларини сотиш	5,0	3,0	0,5
	озик-овқат ва ноозик-овқат товарларини сотиш (тургун шохобчалардаги аралаш савдо)	10,0	6,5	3,0
	Маиший хизматлар	3,5	1,5	0,5
	Хунармандчилик фаолияти бўйича, қонунчиликда белгиланган рўйхатга асосан (2017 йил 1 январдан бошлаб)	0,5		
19.	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Инвентаризация қийматига нисбатан		
	турар жойлар, квартиралар (<i>шаҳарларда жойлашган, умумий майдони 200 кв.м. дан ошмиқ бўлганлари бундан мустасно</i>), дала ҳовли қурилмалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар	1,5 фоиз	1,7 фоиз	1,15 бар.ошган
	шаҳарларда жойлашган умумий майдони қуйидагича бўлган турар жойлар ва квартиралар:			
	200 кв.м. дан ортиқ ва 500 кв.м гача бўлган	1,8 фоиз	2,1 фоиз	1,15 бар. Ошган
	500 кв.м. дан ортиқ бўлган	2,5 фоиз	2,9 фоиз	1,15 бар. Ошган
	Бошқа аҳоли пунктларида 200 кв.м дан юқорисига	1,8 фоиз	2,1 фоиз	1,15 бар. Ошган
20.	Жисмоний шахслар ер солиғи	2017 йилда 1,15 бараварга оширилмоқда (2016 йилда ҳам 1,15 бараварга ошган)		
21.	Мол-мулкни ижарага берувчилар учун ижара ҳақининг энг кам ставкалари (1 ой учун)	Тошкент шаҳри	Нукус ш. ва вилоят бўйсунувидаги	бошқа аҳоли пунктлари

№	Солиқ ва бошқа мажбурий тўлов тури	2016 йил	2017 йил	Фарқи
			шаҳарлар	
	турар жой (1 метр.квадрат учун)	4500 сўм	3000 сўм	1500 сўм
	нотурар (1 метр.квадрат учун)	9000 сўм	6000 сўм	3000 сўм

Жадвал Наманаган шаҳар Давлар солиқ инспекциясидан олинган маълумотларга асосан тузилди.

“Солиқ ва солиққа тортиш” фанидан

савол-жавоблар

1. Солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни қайси ҳужжат билан тартибга солинади?

1-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатлар, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан тартибга солинади.

2. Солиқ кодекси билан қандай муносабатлар тартиб солинади?

1-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солинади.

3. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига нималар киради?

2-модда. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Солиқ кодексидан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

4. Солиқ солиш масалаларига дахлдор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қайси ҳолларда Солиқ кодексига мувофиқ эмас деб топилади ?

2-модда. Солиқ солиш масалаларига дахлдор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қуйидаги ҳолларда Солиқ кодексига мувофиқ эмас деб топилади, агар ҳужжат:

1) Кодексга мувофиқ бундай ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса ёки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган бўлса;

2) солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқларини бекор қилса ёки чекласа, солиқ муносабатлари субъектларининг Кодексда белгиланган мажбуриятларининг мазмунини, улар ҳаракатларининг асослари, шартлари, кетма-кетлиги ёки тартибини ўзгартирса;

3) Кодекс билан таъқиқланган ҳаракатларга рухсат берса ёки йўл қўйса;

4) Кодексда белгиланган тушунчалар мазмунини ўзгартирган ёки бу тушунчалар Кодексда қўлланилганидан бошқача маънода қўлланилган бўлса.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда, солиқ солиш масалаларига дахлдор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кодексга мувофиқ эмас деб топилади.

Солиқ кодексига мувофиқ бўлмаган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи органлари мазкур ҳужжатни бекор қилишга ёки унга зарур ўзгартишлар киритишга ҳақли. Бу органлар кодексга мувофиқ бўлмаган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилишни ёки унга зарур ўзгартишлар киритишни рад этган тақдирда, бу ҳужжат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

5. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қачон орқага қайтиш кучига эга?

3-модда. Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бекор қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини камайтириш, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бекор қилишни ёки уларнинг аҳволини бошқача тарзда енгиллаштиришни назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин, агар бу солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6. Қайси ҳолларда солиққа оид халқаро шартнома қоидалари қўлланилади?

4-модда. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

7. Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси нима?

11-модда. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади.

8. Ваколатли органлар қайсилар?

14-модда. Ваколатли органлар қуйидагилардир:

1) давлат солиқ хизмати органлари - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари;

2) божхона органлари - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари;

3) молия органлари - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари;

4) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари.

9. Умидсиз қарз нима?

Умидсиз қарз - суд қарорига биноан мажбуриятларнинг тугатилиши, қарздорнинг банкротлиги, тугатилиши ёки вафот этиши оқибатида ёхуд даъво қилиш муддати ўтиши оқибатида узиш мумкин бўлмаган қарз.

10. Солиқнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш тартиби қандай?

56-модда. Солиқнинг бюджетга тўланган ҳамда тўлаш учун ҳисобланган суммаси ўртасидаги, тақдим этилган солиқ ҳисоботи асосида аниқланадиган ижобий фарқ солиқнинг ортиқча тўланган суммаси деб эътироф этилади.

Ортиқча тўланган сумма солиқ қарзини қуйидаги кетма-кетликда узиш ҳисобига ҳисобга олиниши керак:

- 1) солиқнинг мазкур тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига;
- 2) бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига;
- 3) бошқа турдаги солиқлар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига;
- 4) мазкур солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига;
- 5) бошқа турдаги солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини мазкур солиқ тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олиш давлат солиқ хизмати органи томонидан мустақил равишда солиқ тўловчининг аризасисиз амалга оширилади, солиқ тўловчи бу ҳақда ҳисобга олиш амалга оширилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ёзма равишда хабардор этилади.

11. Ўзаро алоқадор юридик шахслар кимлар?

40-модда. Ўзаро алоқадор юридик шахслар қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва уларнинг чет давлатлар юридик шахслари бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

- чет давлатларнинг юридик шахслари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

- муассислари (иштирокчилари, аъзолари) айти бир юридик ёки жисмоний шахслар бўлган Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва чет давлатларнинг юридик шахслари.

12. Тугатилаётган юридик шахсни режадан ташқари солиқ текширувидан ўтказиш учун нималар асос бўлади?

88-модда. Тугатилаётган юридик шахсни режадан ташқари солиқ текширувидан ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- тугатувчининг ёки юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиши тўғрисидаги ёзма билдириши;

- давлат солиқ хизмати органининг текширув мақсадлари, текширув ўтказиладиган муддатлар ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилган буйруғи.

13. Қандай микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди?

90-модда. Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14. Бюджет даромадларига нималар киради?

Бюджет даромадларига қуйидагилар киради:

- солиқли,

- солиқсиз,

- тикланмайдиган тарзда ўтказиладиган пул маблағлари.

15. Давлат солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш яқунларига биноан давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи нималарга ҳақли?

125-модда. Давлат солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш якунларига биноан давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи қуйидагиларга ҳақли:

- шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш;
- давлат солиқ хизмати органининг шикоятга сабаб бўлган қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш.

Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш якунларига биноан мазмунан қарор чиқаришга ҳақли.

Давлат солиқ хизмати юқори турувчи органининг шикоят юзасидан қарори ўттиз кун ичида қабул қилинади. Шикоят берган шахсга қабул қилинган қарор тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида ёзма шаклда маълум қилинади.

16. Қандай ҳолларда банк 0,5 фоиз миқдорда пеня тўлайди?

53-модда. Банкнинг айби билан солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш топшириқномаси, тегишли ваколатли органнинг уларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаси бажарилмаган (бажарилиши кечиктирилган) тақдирда, банкдан ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўтказилмаган суммасини 0,5 фоизи миқдорида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

17. Қандай микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди?

90-модда. Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

18. Хужжатлар ва предметларни куннинг қайси вақтида олиб қўйиш ман этилади?

95-модда. Хужжатлар ва предметларни тунги вақтда - соат 23-00 дан 6-00 гача - олиб қўйиш ман этилади.

19. Солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларининг қандай принципларга асосланади?

5-модда. Солиқ тўғрисидаги қонун хужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланади.

Солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларининг қоидалари кодексда белгиланган принципларга зид бўлиши мумкин эмас.

20. Бошқа мажбурий тўловларга нималар киради?

23-модда. Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

- ягона ижтимоий тўлов;

- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;

2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:

- республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- республика йўл жамғармасига йиғимлар;

3) давлат божи;

4) божхона тўловлари;

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

21. Моддий ёрдам суммаларига солиқ солинадими?

179-модда. Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

1) моддий ёрдам суммалари:

- фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари - тўлалигича;

- вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда;

- бошқа ҳолларда - солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

22. Тўлов-шартнома асосида ўқиётган талабалар стипендиясига солиқ солинадими?

179-модда. Қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендияларга солиқ солинмайди.

23. Ўзаро алоқадор юридик шахслар кимлар?

40-модда. Ўзаро алоқадор юридик шахслар қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва уларнинг чет давлатлар юридик шахслари бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

- чет давлатларнинг юридик шахслари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

- муассислари (иштирокчилари, аъзолари) айти бир юридик ёки жисмоний шахслар бўлган Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва чет давлатларнинг юридик шахслари.

24. Солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик кимнинг зиммасига юклатилади?

44-модда. Солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик солиқ тўловчининг зиммасига юклатилади.

25. Солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш тартиби қандай?

95-модда. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар ва ҳуқуқбузарлик предметлари солиқ текширувини ўтказайтган давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсининг асослангирилган қарори асосида олиб қўйилиши мумкин, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар ва предметлар бундан мустасно.

Солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва предметларни тунги вақтда - соат 23-00 дан 6-00 гача - олиб қўйиш ман этилади.

Солиқ текширувига тааллуқли бўлмаган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш ман этилади.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш бошлангунига қадар олиб қўйиш амалга оширилаётган шахсга ҳужжатларни ва предметларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни тақдим этади ҳамда иштирок этаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ҳужжатлари ва предметлари олиб қўйилаётган шахсга уларни ихтиёрий равишда топширишни таклиф этади, у бош тортган тақдирда эса мажбуран олиб қўйиш чораларини кўради.

Ҳужжатларни ва предметларни олиб қўйиш солиқ тўловчи иштирокида амалга оширилади.

Ҳужжатларни ва предметларни мажбуран олиб қўйиш ҳолислар ҳамда солиқ тўловчи иштирокида амалга оширилади. Бунда олиб қўйилаётган барча ҳужжатлар ва предметлар ҳолисларга ҳамда олиб қўйишда иштирок этаётган бошқа шахсларга кўрсатилади.

Ҳужжатлар асл нусха ёки солиқ тўловчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кўчирма нусхалар кўринишида олиб қўйилади.

Солиқ тўловчи ҳужжатлари кўчирма нусхаларининг олиб қўйилиши солиқ назоратини амалга ошириш учун етарли бўлмаган ҳолларда ҳамда давлат солиқ хизмати органларида ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқ қилиниши, яширилиши, тузатилиши ёки алмаштирилишига етарли асослар бўлган ҳолларда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ҳужжатларнинг асл нусхасини олиб қўйишга ҳақли.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари олиб қўйилаётганда улардан кўчирма нусхалар тайёрланади, бу нусхалар давлат солиқ хизмати органининг

мансабдор шахси томонидан имзоланади ва кимдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга берилади.

Хужжатларни олиб қўйиш билан бир вақтнинг ўзида улардан кўчирма нусха тайёрлаш ёки тайёрланган кўчирма нусхаларни бериш имконияти бўлмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи уларни хужжатлари олиб қўйилган шахсга олиб қўйилган кундан эътиборан беш кун ичида беради. Қолган ҳолларда солиқ тўловчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган хужжатларнинг кўчирма нусхалари олиб қўйилади.

Хужжатлар ва предметларни олиб қўйиш Солиқ кодексининг 100-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада ёки унга илова қилинадиган рўйхатларда хужжатлар ва предметларнинг номи, миқдори ҳамда алоҳида белгилари, имкони бўлганда эса предметларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда санаб ўтилиши ва тавсифланиши лозим.

Хужжатлар ва предметларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома икки нусхада тузилади, улардан бири хужжатлар ва предметлар кимдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга топширилиб, тилхат олинади. Баённомани қабул қилишдан бош тортилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритади. Бундай ҳолда баённоманинг бир нусхаси хужжатлари ва предметлари олиб қўйилган шахсга почта орқали буюртма хат билан юборилади ҳамда у жўнатилган кундан эътиборан уч кун ўтганидан сўнг топширилган ҳисобланади.

26. Кимлар жимоний шахслардан олинадиган ер солиғи тўловчилари ҳисобланади?

287-модда. Мулк ҳукуқи, эгалик қилиш ҳукуқи, фойдаланиш ҳукуқи ёки ижара ҳукуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер ер солиғини тўловчилардир.

27. Кимлар ер солиғи тўловчилари ҳисобланади?

279-модда. Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчилардир.

28. Жисмоний шахсларга ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқларини қачон тўлашлари керак?

294-277-моддалар. Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ва ер солиқлари тўлаш ҳисобот йилининг 15-октябрига қадар амалга оширилади.

29. Кимлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлайдилар?

167-модда. Солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилардир.

30. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи объектига нималар киради?

-Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари;

-Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари;

- Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган, Солиқ кодексининг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти бўлмайди.

31. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солиш базаси қандай аниқланади?

170-модда. Солиқ солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.

32. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлов манбаидан ким ушлаб қолади?

165-модда. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун жавобгарлик даромадни тўлаш манбаи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари зиммасидадир.

33. Солиқ агенти олинаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг мол-мулкни реализация қилишдан олган даромадлари бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоб-китобини қайси органга топшириши лозим?

155-модда. Юридик шахсининг - Ўзбекистон Республикаси резидентининг устав капиталидаги акциялари улушлари реализация қилинганда – ушбу юридик шахс рўйхатда ўтказилган жойдаги давлат солиқ органига кўчмас мулк реализация қилинганда кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича мустақил равишда ёки ваколатли шахс орқали тақдим этишлари шарт.

34. Мол-мулк реализация қилинганда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси қачон бюджетга тўланиши керак?

155-модда. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси олинган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилгунига қадар бюджетга тўланиши лозим.

35. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлардан олган даромадларига қайси даромадлар кирмайди?

155-модда. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг товар харид қилиш, товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш билан боғлиқ ташқи савдо операциялари бўйича олинган даромадлар;

- банкларнинг Ўзбекистон Республикаси резидентларининг вакиллик ҳисоб-варақаларини очиш ва яратиш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатишдан даромадлар;

- халқаро тўлов карточкалари орқали ҳисоб-китобни амалга оширишдан олинган даромадлар;

- Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлардан олинадиган даромадлар.

36. Ўзбекистон Республикаси норезидентига давлат солиқ хизмати рўйхатдан ўтмаганлиги учун қандай жарима қўлланилади?

113-модда. Агар фаолият кўпи билан 30 кун амалга оширилган бўлса энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида;

Агар фаолият 30 кундан ортиқ амалга оширилган бўлса энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида;

37. Қайси кредитдан даромадлар тўлов манбаида солиққа тортилмайди?

Таълим кредити ва ипотека кредити.

38. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган иш ва хизматларни, ҚҚСни ким қайси ставка бўйича ҳисоблайди?

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарлар, иш ва хизматлар бўйича ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлиб божхона қонунларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати ҳисобланади.

Импорт қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича ҚҚС 20 % ставкasi бўйича тўланади.

39. Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентининг даромадларига қандай даромадлар киради?

154-модда. Доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлган барча турдаги даромадлар киради.

40. Якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини вақтинча тўхтатиш учун кимга мурожаат этиши лозим?

Туман ёки шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган тадбиркорлик фаолиятини рўйхатга олиш бўлимига.

41. Якка тартибдаги тадбиркор бир неча фаолият тури билан шуғулланиши мумкинми?

Ҳа, мумкин. Низом жамғармасида келтириб ўтилган бўлади, келтирилмаган бўлса қўшимча равишда илова қилинади.

42. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун янги берилган ер участкалари бўйича солиқдан қандай имтиёзлар мавжуд?

Уй-жой каттежларига мавжуд қурилиш ташкилотлари учун.

43. Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали

амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари қанча муддатда Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтиши керак?

80-модда. Фаолиятни амалга ошириш бошланган кундан эътиборан 183 кундан кечиктирмай солиқ хизмати органига доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт.

44. Ўзбекистон Республикасининг норезидентига тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларга қайси ставкалар бўйича солиқ солинади?

160-модда. 1) Дивидент ва фоизларга – 10%;
2) Суғурта қилиш биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотларига - 10%;
3) Халқаро алоқа учун телекоммуникациялар, халқаро ташишларга - 6 %;

45. Юридик шахс - Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти кимга юклатилган?

155-модда. Солиқ агенти деб этироф этилган даромадни тўлаш манбаига юклатилади.

46. Норезидентнинг ижарага берган мол-мулкдан тушадиган даромадлари солиққа тортиладими?

134-модда. Тортилади. Ижара тўловининг суммаси мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромад ҳисобланади лекин амортизация қилинадиган асосий воситалар лизинг шартномаси бўйича ижарага берилса солиққа тортиш мақсадида мулкни сотиб олган бўлади.

47. Ўзбекистонда хорижий компаниянинг қурилиш майдони қачондан бошлаб даромад солиғига тортилади?

Агар инвестиция дастурига киритилиб хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар рўйхатидан ўтгандан бошлаб 7 йил давомида

даромад

солиғидан

озод

қилинади.

48. Хронометраж натижаси солиқ тўловчини жавобгарликка тортишга асос бўладими?

71-модда. Асос бўла олмайди.

49. Ўзбекистон Республикасининг норезидентига тўлов манбаида юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ушлаб қолинмасдан даромадни тўлаш қайси ҳолатда амалага оширилади?

155-модда.

1) Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасига мувофиқ солиқ тўлашдан озод қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органларидан тасдиқланган

2) Ўзбекистон Республикасининг норезиденти давлат солиқ хизмат органида Ўзбекистон Республикасининг норезидентини доимий муассаси сифатида фаолиятини амалга ошириш ва доимий муассаса сифатида ҳисобида турганлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган маълумотнома;

3) Ўзбекистон Республикаси норезидентига дивидентлар, фоизлар роялти тарзда даромаларни тўлаш тўлов манбаида.

50. Ўзбекистон Республикаси да фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромади қандай тартибда солиққа тортилади?

154-модда. Ўзбекистон Республикасида фаолияти доимий мерос орқали амалга ошираётган юридик шахс Ўзбекистон Республикаси норезидентига солиқ солинадиган фойдасини аиқлашда фойда солиғини ҳисоблаш чиқариш мақсади учун солиқ солинадиган фойда суммаси Ўзбекистон Республикасида

фаолияти доимий муассаса орқали амалга оширишдан олинган даомадлари билан бевосита боғлиқ бўлган турдаги харажатлар 10% дан кам бўлмаган миқдорда аниқланади.

51.Экспертиза қайси ҳолатда тайинланади?

97-модда: Юзага келган масалаларни тушунтириш учун фан-техника ва бошқа соҳалар бўйича махсус билим талаб этилган тақдирда экспертиза тайинланади.

52.Солиқ текшируви солиқ тўловчининг неча йилдаги фаолиятини қамраб олади?

91-модда. Солиқ текшируви солиқ тўловчининг текширув ўтказилаётган йилдан бевосита олдинги кўпи билан 5 календар йилдаги фаолиятини қамраб олиши мумкин.

53. Солиқ текширувини ўтказиш дастури ким томонидан белгиланади?

91-модда. Солиқ текширувини ўтказиш дастурини тузиш қоидалари назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

54. Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик Солиқ кодексининг қайси моддаларида акс эттирилган?

17-бобнинг 113- моддасидан 121-моддасигача.

55. Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига шикоят бериш тартиби ва муддатлари?

124-модда. Давлат солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят давлат солиқ хизматининг тегишли юқори турувчи органига ёзма шаклда берилади. Давлат

солиқ хизматининг юқори турувчи органига шикоят солиқ солиқ тўловчи ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан 30 кун ичида берилади. Шикоятга уни асослантирувчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

56. Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини нусхаси солиқ тўловчига топширишни имкони бўлмаса, қандай тартиба солиқ тўловчига етказилади?

103-модда. Агар солиқ тўловчига қарор нусхасини тўширишни имкони бўлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жўнатилганидан эътиборан 3 кун ўтгач тўширилган ҳисобланади.

57. Солиқ текшируви тугалланган деб қайси ҳолатга айтилади?

101-модда. солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олишдан бош тортган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасига тегишли ёзув киритади. Мазкур ҳолда солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилади ва шу пайтдан эътиборан солиқ текшируви тугалланган ҳисобланади.

58. Тугатилаётган ҳўжалик субъектида солиқ текшируви ўтказишга нима асос бўлади?

88-модда. Тугатилаётган юридик шахсни режадан ташқари солиқ текшируви ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади.

-туғатувчининг ёки юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиши тўғрисидаги ёзма билдириши;

-давлат солиқ хизмати органининг текширув мақсадлари, текширув ўтказиладиган муддатлар ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилган буйруғи.

59. Солиқ текширувлари ўтказилаётган даврда солиқ тўловчилари томонидан солиқ ҳисоботларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишга йўл қўйиладими?

91-модда. Йўл қўйилмайди.

60. Солиқ текширувини ўтказишнинг бошланишида давлат солиқ органи мансабдор шахсларининг мажбуриятини айтиб беринг?

92-модда.

-ўз хизмат гувоҳномасини, текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги ҳақидаги махсус гувоҳномани кўрсатиш;

-қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишларни қайд этиш дафтарини тўлдириш;

-солиқ тўловчига хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма нусхасини ёки назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органларнинг режадан ташқари солиқ текшируви тайинганлиги тўғрисидаги буйруғининг ҳамда солиқ текширувини ўтказиш дастурининг кўчирма нусхаларини тушириб тилхат олиши шарт.

61. Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказаетган мансабдор шахслари текширилаётган солиқ тўловчидан қайси ҳужжатларни талаб қили олиши мумкин?

94-модда. Давлат солиқ органларининг солиқ текширувини ўтказаетган мансабдор шахслари текширилаётган тўловчилар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ, текширув мақсадларига тегишли ва текширилаётган даврга таалукли ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли.

62. Сотиб олинган товарлар (бажарилган ишлар) ва кўрсатилган хизматлар учун харидорларга бериладиган чекларда қандай маълумотлар бўлиши керак?

Сотиб олинган товарлар ва хизматлар учун харидорларга бериладиган касса чекларида солиқ тўловчининг номи ва индивидуал рақами (СТИР), харид қилинган вақти ва санаси, товарнинг номи, унинг қиймати, касса назоратининг рақами тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

63. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий стакаси 2017 йил учун қанча миқдорда белгилаган?

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий стакасини 2017 йил учун амалдаги 7,5 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

64. Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятида ўтказилган солиқ текширувлари натижалари бўйича қўлланилган молиявий санкциялар суммаларини тўлаш муддатларига 2015-йилдан бошлаб қандай ўзгартиришлар киритилди?

Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 4-октябрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015-йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни асосида солиқ қонунчилигида айрим ўзгаришлар киритилди. Мазкур ўзгартиришларга мувофиқ 2015-йилнинг 1-январидан якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш юбориб, текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, молиявий санкциялар суммаларини тўлашни олти ой мобайнида тенг улушларда амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

65.Савдо объектлари алкоғолли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини олиш учун қандай муассасалардан 500 метр узоқда жойлашган бўлиши керак?

Таълим, спорт ва диний муассасалардан.

66.Чакана савдо тушунчасига таъриф беринг?

Чакана савдо-савдо соҳасида пировард истеъмолчи учун, тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига нақд пулга доналаб ёки унча кўп бўлмаган миқдорда товарлар сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш.

67.Алкоғол ва тамаки маҳсулотларини неча ёшга тўлмаган шахсларга сотишга таъқиқланган?

20 ёш.

68. Касса чеклари қандай ҳужжат ҳисобланади?

Касса чеки товарни сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

69. Тармоқли маркетинг деганда нима тушунилади?

Тармоқли маркетинг-тармоқли ташкилот томонидан товарларни мустақил тарқатадиган сотувчи агентлар ташкил этилишига асосланган товарларни чакана сотиш тури.

70. Тамаки маҳсулотларини қайси ҳолатларда доналаб сотишга рухсат берилади?

Рухсат берилмайди.

71.Солиқ кодексида белгиланган қисқа муддатли текширув тушунчасига таъриф беринг?

85-модда. Қисқа муддатли текширув солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги ҳужжатларига мувофиқ текширувидир.

72. Солиқ кодексида белгиланган қисқа муддатли текширув муддати неча кундан иборат?

89-модда. Қисқа муддатли текширувлар бир иш кунидан ошмаслиги керак, уни муддати ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

73. Касса чеки деганда нима тушунилади?

Касса чеки товарнинг сотиб олинганлиги ёки иш (хизмат) нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи, товар(иш,хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ва касса аппаратининг рақами кўрсатилган ҳужжат.

74. Касса ёки товар чекини нима учун олишимиз керак?

Касса ёки товар чекини агар сотиб олинган товар сифатсиз ёки истеъмол учун яроқсиз бўлиб чиқса, у товарни сотиб олганлигини тасдиқлаш учун олиш керак.

75. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28-августдаги “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари тўғрисида”ги қарорига асосан бозорлар қандай турларга бўлинади?

3 турга, яъни,

- деҳқон бозорлари;
- чорва моллари, парранда ва бошқа ҳайвонлар бозори;
- илгари фойдаланишда бўлган мол-мулкни сотиш бозори.

76. Савдо мажмуаларида товарларни чакани сотиш юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қандай тартиб амалга оширилади?

Вазирлар Маҳкамасининг 28.08.2012 й.даги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сонли қарорига асосан савдо мажмуаларида товарларни чакана сотиш юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фискал-хотирали назорат касса машиналаридан ва тўловларни банк пластик карточкаларидан қабул қилиш бўйича тўлов терминалларида мажбурий фойдаланган ҳолда турғун савдо шаҳобчалари орқали амалга оширилади.

77. 100 та ва ундан ортиқ турғун савдо нуқталари ва савдо ўринлари мавжуд бўлган барча бозорлар, савдо мажмуалари ва уларнинг фиалларида давлат солиқ органларининг ходимлари томонидан йиғимнинг тўлиқлигини ҳар куни текширган ҳолда қай тарзда ҳисобга олиши мажбурий тартиб жорий қилинди?

Вазирлар Маҳкамасининг 28.08.2012 й.даги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сонли қарорига асосан фақат банк тизими орқали автоматлаштирилган ҳисобга олиш йўли билан амалга оширилади

78. Бозорларнинг ҳудудида ер участкалари ажратиб берилиши ёки бозорга тегишли кўчмас мулк объектлари бўйича қандай тартиб белгиланган?

26.04.2010 й.даги ПҚ-1326-сонли қарорига асосан бозорларнинг ҳудудида ер участкаларини ажратиб берилишига, шунингдек бозорга тегишли кўчмас мулк объектларини жисмоний ва юридик шахсларга мулк қилиб топширилишига йўл қўйилмайди.

79. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сонли қарорига асосан 100 та ва ундан кўпроқ турғун савдо ўринлари мавжуд бўлган бозорлар, савдо мажмуалари ва уларнинг фиалларида йиғимнинг тўлиқлигини ҳисобга олиниши бўйича қандай тартиб жорий қилинди?

Фақат банк тизими орқали бир марталик йиғим ва ижара тўловлари ундирилишининг автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олишини мажбурий тартибда жорий қилиш жорий қилинди.

80. Қайси қарор билан бозорлар, савдо мажмуалари уларга туташ автомобил тўхташ жойлари шунингдек улар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқи фақат давлат солиқ хизмати органларига берилган?

26.04.2010 йилдаги ПҚ-1326-сонли қарорига асосан.

81. 2010 йилнинг қайси давридан бошлаб чакана савдо корхоналари, микрофирмалар ва хизмат кўрсатиш соҳасининг кичик корхоналари фаолиятига оид қандай тартиб жорий қилинди?

26.04.2010 й.даги ПҚ-1326-сонли қарорига асосан 2010 йилнинг 1-июлидан бошлаб жорий қилинган.

82. Амалдаги нормаларга мувофиқ, чорва моллар бозори қандай статусга эга бўлиши лозим?

Вазирлар Маҳкамасининг 28.08.2012 йилдаги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча қора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сонли қарорига асосан чорва моллар бозори юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси ҳисобланади.

83. Савдо мажмуаси умумий даромадидан бюджетга қандай солиқ тўлайди.

Ягона солиқ тўлайди.

84. Бозорлар қандай турдаги солиқларни ва мажбурий тўловларни тўлайди?

Солиқ кодексининг 62-боб 387- моддасига асосан бозорлар қуйидаги солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлайди, яъни божхона божи, ягона

ижтимоий тўлов, товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш учун йиғим, давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар, автотранспорт воситаларини олганлик ва вақтинчалик олиб кирганлик учун республика йўл жамғармасига йиғим.

85. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28-авгусидаги “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари тўғрисида”ги қарорига асосан бозорлар қандай турларга бўлинади?

3 турга, яъни,

- деҳқон бозорлари;
- чорва моллари, парранда ва бошқа ҳайвонлар бозори;
- илгари фойдаланишда бўлган мол-мулкни сотиш бозори.

86. Янги ташкил этилаётган бозорларнинг устав жамғармаси қандай тартибда шаклланади?

Вазирлар Маҳкамасининг 28.08.2012 й.даги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сонли қарорига асосан янги ташкил этилаётган бозорларнинг устав жамғармасининг камида 51 фоизи маҳаллий давлат органига тегишли бўлиши керак

87. Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан неча йилда тасдиқланади?

Вазирлар Маҳкамасининг 28.08.2012 й.даги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”ги 253-сонли қарорига асосан ҳар йили, яъни, бир йилда бир марта тасдиқланади.

88. Бозорлар даромадларининг шаклланиш манбалари қандай тўловлардан шаклланади?

Солиқ кодексининг 62-боби ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 28.08.2012 й.даги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча қора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сонли қарорига асосан бозорлар даромадларининг манбалари қуйидагилардан иборат:

- бир марталик йиғимдан тушумлар;
- ижара тўловидан олинган даромадлар;
- сотувчи ва харидорларга хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;
- бозор маъмурияти томонидан амалга ошириладиган қишлоқ хўжалиги товарларини тайёрлаш, харид қилиш ва сотишдан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар.

89. Молиявий санкциялар деганда нимани тушинасиз?

Молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, пул ундириш (жарималар ва пеня) тарзида қўлланилади.

90. Савдо комплекси умумий даромадидан бюджетга қандай солиқ тўлайди?

Ягона солиқ.

91. Савдо комплекси қандай ҳуқуқий шаклда ташкил этилади?

Вазирлар Маҳкамасининг 28.08.2012 й.даги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сонли қарорига асосан савдо комплекси устав

жамғармасының камида 51 фоизи маҳаллий давлат органига тегишли бўлиши керак

92. Бозорлар қандай турдаги солиқларни ва мажбурий тўловларни тўлайди?

Солиқ кодексининг 62-боб 387- моддасига асосан бозорлар куйидаги солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлайди, яъни, божхона божи, ягона ижтимоий тўлов, товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш учун йиғим, давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар, автотранспорт воситаларини олганлик ва вақтинчалик олиб кирганлик учун республика йўл жамғармасыга йиғим.

93.Янги ташкил этилаётган бозорларнинг устав жамғармасы қандай тартибда шаклланади?

Вазирлар Маҳкамасынинг 28.08.2012 йилдаги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча қора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сонли қарорига асосан янги ташкил этилаётган бозорларнинг устав жамғармасынинг камида 51 фоизи маҳаллий давлат органига тегишли бўлиши керак

94.Солиқ текшируви турларини айтиб беринг?

Солиқ кодексининг 86-моддасига мувофиқ солиқ текширувлари куйидаги турларга бўлинади:

- режали солиқ текшурувлари;
- режадан ташқари солиқ текширувлари;
- муқобил текширув

95.Солиқ текширувларини ўтказиш муддатлари неча кундан иборат?

Солиқ кодексининг 89-моддасига асосан солиқ текширувини ўтказиш муддати ўттиз календар кундан ошмаслиги керак. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг қарори билан узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари - кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас.

Солиқ текшируви муддатларини узайтириш давлат солиқ хизмати органининг қўшимча буйруғи билан расмийлаштирилиб, унда олдинги буйруқнинг рўйхатдан ўтказиш рақами ҳамда санаси, текширув ўтказишга илгари жалб қилинган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги керак. Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.

96.Солиқ текшируви далолатномаси нечта нусхада тузилади?

Солиқ кодексининг 101-моддасига биноан солиқ текшируви далолатномаси 3 нусхада тузилади.

97.Солиқ текшируви материаллари ким томонидан ва қайси муддатларда кўриб чиқилади?

Солиқ кодексининг 102-моддасига биноан солиқ текшируви материаллари давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан солиқ текшируви тутаган кундан эътиборан ўн иш куни ўтгач, бироқ ўн беш иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

98.Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилганидан кейин ким томонидан ва қайси муддатларда қарор қабул қилинади?

Солиқ кодексининг 103-моддасига биноан давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари солиқ текшируви материаллари

кўриб чиқилганидан кейин беш иш кунидан кечиктирмасдан қарор қабул қилади.

99. Давлат солиқ хизмати органи текширув материалларини кўриб чиқиш тўғрисида солиқ тўловчини қайси муддатларда хабардор қилади?

Солиқ кодексининг 102-моддасига биноан Давлат солиқ хизмати органи текширув материалларини кўриб чиқиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида солиқ тўловчини кўриб чиқишдан камида икки иш кун олдин хабардор қилади.

100. 2016 йил 1-январдан бошлаб жойлашган жойидан қатъий назар алкогольли ва тамаки маҳсулотлари, бензин, дизел ва суюлтирилган газнинг реализациясидан товар обороти буйича неча фоиз ставкада ягона солиқ тўловини тўлайди?

Фаолиятни юритиш жойидан қатъий назар алкогольли ва тамаки маҳсулотлари, бензин, дизел ва суюлтирилган газни сотувчи корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 4 фоиз миқдорида белгиланган.

101. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан неча фоиз миқорда тадбиқ этилади?

15 фоиз миқдорда тадбиқ этилади.

102. Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғининг базавий ставкаси 2016-йилда неча фоиз деб белгиланди ?

5 фоиз этиб белгиланган.

103. Камерал назорат Солиқ кодексини қайси моддасига асосан амалга оширилади?

70-модда. Камерал назорат солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир.

104. Солиқ тўловчиларнинг қайси маълумотлари солиқ сири ҳисобланмайди?

76-модда. Давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчи тўғрисида олинган ҳар қандай маълумот солиқ сирини ташкил этади, қуйидаги маълумотлар бундан мустасно:

-солиқ тўловчининг ўзи ошкор этган ёки унинг ёзма розилиги билан ошкор этилган маълумотлар;

-солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами тўғрисидаги маълумотлар;

-юримдик шахснинг устав фонди (устав капитали) тўғрисидаги маълумотлар;

-солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ва бу қонунбузарлик учун қўлланилган жавобгарлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар;

-Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг солиқ ёки тегишли бошқа органларига тақдим этиладиган маълумотлар (ушбу органларга тақдим этилган маълумотларга доир қисми).

105. Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш давлат солиқ хизмати органларига қайси муддатда тақдим этади?

310-модда. Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби ягона ижтимоий тўловнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи якун билан:

-микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

-микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

106. Солиқ тўловчиларга солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим этиш учун берилган электрон рақамли имзони амал қилиш муддати қанча?

Амал қилиш муддати 2 йил.

107. Солиқ тўловчиларга солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим этиш учун берилган электрон рақамли имзони нархи қанча?

Энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида, яъни айти пайтда 149775 сўм.

108. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ҚҚС қачон тўланади?

223-модда. Қўшилган қиймат солиғи тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун - йил чорагида тўланади.

109. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари ким томонидан тасдиқланади?

235-модда. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

110. Транспорт воситаларига бензин дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлиги учун олинадиган солиқни тўлашда автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари ва охириги истемолчилар деганда кимлар тушинилади ?

Истемолчилар (биз).

111. Якка тартибдаги тадбиркор ким?

18-модда. Якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахсдир.

112. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқни тўлаш муддати қачон ?

372-модда. Юридик шахслар томонидан - ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай;

113. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқдан ташқари қандай солиқ ва мажбурий тўловларни тўлайдилар?

373-модда. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қатъий белгиланган солиқ тўлаш билан бир қаторда қуйидагиларни тўлайдилар, яъни,

- божхона тўловлари;
- ер қаридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ - сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда;
- акциз солиғи - акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
- давлат божи;
- автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

114. 2016 йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғи ставкаси буйича ўзгаришлар бўйича тўғрисида тушунча берсангиз?

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг амалдаги ставкаси 15 фоизга индексация қилинди ва солиқнинг асосий ставкаси мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,5 фоиз (2015 йилда 1,3 фоиз эди) миқдорида белгиланди ва мол-мулкни инвентаризация қийматидан келиб чиқиб, бироқ 3 млн.сўмдан кам бўлмаган миқдордан солиқ ҳисоблаш тартиби жорий қилинди.

Шу билан бирга, бошқа аҳоли пунктларида жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан ортиқ бўлган турар жой ва квартиралар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари – 1,8 фоиз миқдорида белгиланди;

115. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилари кимлар ҳисобланадилар?

272-модда. Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон

Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчидир.

116. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ким томонидан ҳисоблаб чиқилади ва солиқ тўловчиларга қай тартибда етказилади?

277-модда. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъий назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

117. Моддий ёрдам суммаларига солиқ солинадими ?

Солиқ солинмайди

118. Тўлов-шартнома асосида ўқиётган талабаларга солиқ солинадими?

179-модда. Солиқ солинмайди

119. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказилаётган вақтда қанча миқдорда давлат божи тўлайди?

1 минимал иш ҳақи миқдорида (айни пайтда 149775 сўмни ташкил этмоқда).

120. Тўловчининг нақд пул тушими келиб тушишининг хронометражи қандай тартибда ўтказилади?

71-модда. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи нақд ҳисоб-китоб асосида товарлар реализация қиладиган ёки хизматлар кўрсатадиган солиқ тўловчи ҳузурида бевосита товарлар реализация қилинадиган, хизматлар кўрсатиладиган жойда давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилади.

121. Хронометраж натижаси солиқ тўловчини жавобгарликка тортишга асос бўла оладими?

71-модда. Хронометраж натижаси солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

122. Бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларни ҳисобга олиш ва қайтариш тартиби Солиқ кодексининг қайси моддасида белгилаб берилган?

58-моддасида.

123. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисобланган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловларининг ягона реестридан чиқариш қандай ҳолатларда амалга оширилади?

83-модда. Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестридан чиқариш қуйидагича амалга оширилади:

- жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – улар вафот этганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти уларнинг меросхўрлари томонидан тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса;

- юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – улар тугатилганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий

тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса;

- Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари — уларнинг Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилишини белгилаган ҳолатлар бекор бўлган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган тақдирда.

124. Ундирилиши бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган айрим турдаги бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга тушумларни ҳисобга олиш тартиби ким томонидан белгиланади?

69-модда. Ундирилиши бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган айрим турдаги бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга тушумларни ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

125. Қандай ҳолатларда ҳўжалик юритувчи субъектларни асл ҳужжатлари ва предметлари олиб қўйилади?

95-модда. Солиқ тўловчи ҳужжатлари кўчирма нусхаларининг олиб қўйилиши солиқ назоратини амалга ошириш учун етарли бўлмаган ҳолда ҳамда давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахси ҳужжатларининг асл нусхаларини олиб қўйишга ҳақли.

126. Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қанча муддатга берилади?

54-модда. Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан бир ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга берилади.

127. Ортиқча тўланган солиқ суммаси бошқа солиқ тўловчининг солиқ қарзини узиш ҳисобига олинishi мумкинми?

56-модда. Ортиқча тўланган сумма солиқ қарзини қуйидаги кетма-кетликда узиш ҳисобига ҳисобга олинishi керак:

- солиқнинг мазкур тури бўйича оёна ва жарималарни узиш ҳисобига;
- бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига;
- бошқа турдаги солиқлар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига;
- мазкур солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига;
- бошқа турдаги солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини мазкур солиқ тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олиш давлат солиқ хизмати органи томонидан мустақил равишда солиқ тўловчининг аризасисиз амалга оширилади, солиқ тўловчи бу ҳақда ҳисобга олиш амалга оширилган кундан эҳтиборан уч кунлик муддатда ёзма равишда ҳабардор этилади.

128. Солиқ тўловчининг шахсий карточкасини юритиш тартиби ким томонидан белгиланади?

69-модда. Солиқ тўловчининг шахсий карточкасини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

129. Солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик кимнинг зиммасига юклатилади?

44-модда. Солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик солиқ тўловчининг зиммасига юклатилади.

130. Давлат солиқ хизмати органининг қарори унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоят давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан неча кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади?

125-модда. Давлат солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоят давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан шикоят олинган кундан эҳтиборан ўттиз кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

131. Текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек молиявий санкциялар суммаларини бўлиб-бўлиб тўлаш муддати қанча?

54-модда. 6 ой.

132. Бошқа мажбурий тўловлар деганда нима тушунилади?

23-модда. Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

- ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар;
- ягона ижтимоий тўлов;
- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
- бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар.
- республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар;
- республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- республика йўл жамғармасига йиғимлар;
- давлат божи;
- божхона тўловлари;

- айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

133. Солиқ даврига изох беринг?

29-модда. Солиқ даври у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган даврдир.

134. Солиқнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш кетма-кетлигини айтиб беринг?

Ортиқча тўланган сумма солиқ қарзини қуйидаги кетма-кетликда узиш ҳисобига ҳисобга олиниши лозим:

- солиқнинг мазкур тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига;
- бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига;
- бошқа турдаги солиқлар бўйича оеня ва жарималарни узиш ҳисобига;
- мазкур солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига;
- бошқа турдаги солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига.

135. Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчининг ягона реестри ким томонидан ва қандай тартибда юритилади?

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан юритилади. Давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритади. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш уларни ҳисобга қўйиш ва улар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш орқали амалга оширилади.

136. Юридик шахс қайта ташкил этгунига қадар у ортиқча тўлаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини нима қилади?

Юридик шахс қайта ташкил этилгунига қадар у ортиқча тўлаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг суммалари шу юридик шахс ҳуқуқий ворисининг (ҳуқуқий ворисларининг) шахсий карточкасига юридик шахсни қайта ташкил этиш тугалланган кундан эҳтиборан бир ойдан кечиктирмай ўтказилиши керак.

137. Кимлар бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини юритиши керак?

Давлат солиқ хизмати органлари, божхона органлари ҳамда зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифаси юклатилган бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини юритиши керак.

138. Нотижорат ташкилотлар деганда кимлар тушунилади?

Нотижорат ташкилотлари деганда - фойда олишни фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ва олинган даромадларни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган юридик шахслар тушунилади.

139. Ваколатли органларни айтиб беринг?

Ваколатли органлар қуйидагилардир:

- давлат солиқ хизмати органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари;

- божхона органлари - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари;

- молия органлари – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари;

- бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари.

140. Кимлар солиқ муносабатларининг субъектлари ҳисобланади?

Солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектларидир.

141. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22-декабрдаги ПҚ-2455-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2016 йилнинг 1-январидан бошлаб транспорт хизматини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларга қандай преференция ва имтиёзлар берилган?

Автомобил хўжалиги тармоғида фаолият юритувчи кичик корхоналар ходимлари сонини 25 тадан 50 тагача оширган ҳолда кичик бизнес субъектларига берилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиши ҳуқуқи берилган.

142. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар кимлар ҳисобланади?

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилардир.

143. Соддалаштирилган солиқ тизими қайси солиқларни ўз ичига олади?

- ягона солиқ тўлови;

- ягона ер солиғи;

-тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

144. 2016 йил 1-январдан бошлаб божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни кўрсатадиган юридик шахслар (божхона брокерлари) неча фоиз ставкада ягона солиқ тўловини тўлайдилар?

Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди.

145. Доимий муассасанинг солиқ тўлаш тартиби қандай?

164-модда. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини, шаунингдек соф фойдадан олинadиган солиқни жорий тўловларни тўламасдан йилига бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кейин бир ой ичида тўлайди.

146. Мол-мулкни реализация қилишда норезидент юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини ушлаб қолиш ва тўлаш тартиби ким томонидан амалга оширилади?

Ушбу мажбурият солиқ агенти деб эътироф этиладиган даромадни тўлаш манбаига юклатилади.

147. Солиқ агенти олинаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси норезидентининг устав капиталидаги акциялари, улушлари реализация қилишдан олган даромадлари бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ҳисоб-китобини қайси органга топшириши лозим?

Мазкур ҳисоб-китобни ушбу юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига топшириши лозим.

148. Текшириш деганда нимани тушунаси?

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасига кўра текшириш бу - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилишидир.

149. Тадбиркорлик субъектларида режали текширишлар неча кун давомида ўтказилиши мумкин?

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасига кўра хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказиш муддатлари ўттиз календар кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас.

150. Назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишнинг бошланиши ҳақида тадбиркорлик субъектини неча кун олдин огоҳлантириши керак?

Назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида ўттиз календар кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

151. Муқобил текширув тушунчасига таъриф беринг?

86-модда. Муқобил текширув - операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғланган ва турли солиқ тўловчиларда бўлган ҳужжатларни таққослашдан иборат текширувдир. Муқобил текширув учинчи шахсларга нисбатан, агар солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органида мазкур шахслар билан боғлиқ бўлган, солиқ тўловчи ўтказган операциялар солиқ

бўйича ҳисобга олишда тўғри акс эттирилганлиги ҳақида қўшимча маълумот олиш зарурияти келиб чиқса, ўтказилади.

152. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонунга асосан “назорат қилувчи органлар” тушунчасига таъриф беринг?

Назорат қилувчи органлар бу - хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралардир.

153. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тўғрисидаги Низом қайси ҳужжатга асосан тасдиқланган?

Ўзбекистон республикаси Президентининг 1998 йил 19-ноябрдаги “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги ПФ-2114-сонли Фармониға мувофиқ тасдиқланган.

154. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мақсади нима?

Мазкур қонуннинг асосий мақсади - назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи ва бошқа тадбиркорлик субъектларида ўтказиб келинган тартибсиз ва поёнсиз текширишларга чек қўйиш, фаолиятларига ноқонуний аралашувларни олдини олиш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат.

155. Муқобил текширишда нималар ман этилади?

91-модда. Муқобил текширувлар ўтказилаётганда солиқ тўловчиларнинг ҳузурига кириш ва улардан текширув предметиға тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ҳужжатларини ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш таъқиқланади.

156. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни нечанчи йилда қабул қилинган?

1998 йил 24-декабрда қабул қилинган.

157. Тадбиркорлик фаолияти тушунчасига таъриф беринг?

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилган, таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир.

158. Текширишларни рўйхатга олиш китоби қандай текширишлар ўтказилганда тўлдирилади?

Солиқ кодексида белгиланган текшириш турларида, яъни, режали, режадан ташқари, муқобил текширувларда.

159. Солиқ текширувининг қандай турларини биласиз?

86-модда. Солиқ текширувларининг турлари солиқ текширувлари қуйидаги турларга бўлинади, яъни, режали солиқ текшируви, режадан ташқари солиқ текшируви ва муқобил текширув.

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) - текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширувдир.

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режадан ташқари солиқ текшируви (тафтиши) қуйидаги ҳолларда ўтказиладиган текширувдир:

- юридик шахс тугатилаётганда;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқувчи текширувларни ўтказиш зарур бўлганда;

- давлат солиқ хизмати органига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ тўловчи томонидан бузилганлиги ҳоллари ҳақида қўшимча маълумотлар тушганда.

Муқобил текширув - операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғланган ва турли солиқ тўловчиларда бўлган ҳужжатларни таққослашдан иборат текширувдир. Муқобил текширув учинчи шахсларга нисбатан, агар солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органида мазкур шахслар билан боғлиқ бўлган, солиқ тўловчи ўтказган операциялар солиқ бўйича ҳисобга олишда тўғри акс эттирилганлиги ҳақида қўшимча маълумот олиш зарурияти келиб чиқса, ўтказилади. Қисқа муддатли текширувлар режадан ташқари солиқ текшируви тарзида ўтказилади.

160. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мақсади нима?

Мазкур қонуннинг асосий мақсади - назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи ва бошқа тадбиркорлик субъектларида ўтказиб келинган тартибсиз ва поёнсиз текширишларга чек қўйиш, фаолиятларига ноқонуний аралашувларни олдини олиш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат.

161. Назорат тартибидаги текшириш тушунчасига таъриф беринг?

Назорат тартибида текшириш - хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

162. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принципларини кўрсатинг?

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

163. Тадбиркорлик давомида субъектларида режали текширишлар неча кун ўтказилиши мумкин?

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасига кўра хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказиш муддатлари ўттиз календар кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас.

164. Назорат органлари мансабдор шахсларини аттестациядан ўтказиш тартиби қайси меъёрий ҳужжатда белгиланган?

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2010 йил 22-январда рўйхатдан ўтказилган 2070-сонли қарорида.

165. Бир марталик йиғим тўланганлиги тўғрисида сотувчига бериладиган чекда нималар акс эттирилган бўлади?

Ушбу чекда бозорнинг номи, бозорни солиқ тўловчининг идентификация рақами, чек берилган вақт ва сана, тўловнинг номи, тўлов

суммаси, ўрин рақами, сотиладиган товарнинг номи, назорат касса машинаси ёки тўлов терминалининг рақами тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

166. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи нима мақсадда амалга оширилади?

71-модда. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи солиқ тўловчининг нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометраж ўтказилган даврда ҳақиқатда келиб тушган нақд пул тушумини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи нақд ҳисоб-китоб асосида товарлар реализация қиладиган ёки хизматлар кўрсатадиган солиқ тўловчи ҳузурида бевосита товарлар реализация қилинадиган, хизматлар кўрсатиладиган жойда давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2005 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Тошкент, Адолат, 2008 й.
3. Налоговый Кодекс Республики Узбекистан. Ташкент, Адолат, 2008 г.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил 29 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни, 2000 йил 14 декабрь.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2005 й.
7. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2005 й.
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Наманган ҳақиқати газетаси, 2016 йил 16 январ.
9. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилidir”. Тошкент, “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 10 январь.
10. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. Тошкент, 2017 й.
11. Мирзиёев Ш. М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. Тошкент, “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 16 январь.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон

Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 532-сонли Қарори (2015 йил 22 декабр).

13. “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Солиқ инфо” газетаси 2017 йил 7 январь, 1-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 15 ва 2002-12-сонли “Юридик шахслар даромадларидан (фойдасидан) солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 7 мартдаги 43 ва 37-сонли “Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган товар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 10 ва 2002 йил 16-сонли “Жисмоний шахслар даромадларидан солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 16 ва 2004-13-сонли “Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 27 ва 2002 йил 19-сонли “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ

қўмитасининг 2002 йил 21 январдаги 19 ва 2002-20-сонли “Ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 22 январдаги 25 ва 2002-13-сонли “Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 16 январдаги 16 ва 2002 йил 19-сонли “Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 9 ва 2002 йил 6-сонли “Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси.

23. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2003 йил 3 январда 1092-сон билан рўйхатга олинган “Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома.

24. Гатаулин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Тошкент, 1996 й.

25. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. “Солиқ назарияси”, Тошкент. ТМИ, 2004 й.

26. Тошмуродов Т. “Солиқлар”. Изоҳли луғат. Тошкент, 2003 й.

27. Яҳёев Қ.Я. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Тошкент. Фан ва технологиялар маркази, 2003 й.

28. “Бозор, пул ва кредит” журнали 2012-2016 йил сонлари.

29. “Солиқ тўловчининг журнали” 2012-2016 йил сонлари.

30. “Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси. 2012-2016 йил сонлари.

31. <http://www.nalog.uz//>

<http://www.mf.uz//>

<http://www.tfi.uz//>

СОЛИҚ ТАФАККУРИ

Ўқув қўлланма

Мухаррир: Марғуба Қурбанова

Техник муҳаррир: Абдулазиз Тошпўлатов

2017 йил да теришга берилди. 2017 йил да
босишга рухсат этилди. Бичими 60X84. Хажми 10 босма табоқ.
Times New Roman гарнитурасида терилди. Адади нусха.
Баҳоси келишилган нархда.

“Наврўз” нашриёти. Лицензия рақами

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 19-уй

“Фазилат оргтех сервис” хусусий корхонасида чоп этилди.

Манзил: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 72-уй